

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

22-сон
(834)
2018 йил
4 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

451. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПФ–5454-сон Фармони
452. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ–3751-сон қарори [Кўчирма]
454. «Истикболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги ПҚ–3755-сон қарори
455. «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ–3756-сон қарори

456. «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон қарори

Учинчи бўлим

457. «Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 419-сон қарори

Бешинчи бўлим

458. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016*)
459. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 81, 12, 2012-38-сон «Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2451-1*)
460. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 94, 2018-46-сон «Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2327-1*)
461. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги 95, 2018-36-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3017*)
462. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазир-

- лиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 23 майдаги 2018/16-03, 17, 98, 01-02/12-40-сон «Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1634-1*)
463. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 21 майдаги 6-сон «Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1775-1*)
465. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 21 майдаги 5-сон «Табиий газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3018*)
466. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 14 майдаги 122-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессional танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019*)
467. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 307-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2745-1*)
468. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 308-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3020*)
469. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари

ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги 5, 08/23-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3021*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 26 майдан 1 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****451 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон ва «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 декабрдаги ПФ–5270-сон фармонларига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3538-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 июнь,
ПФ–5454-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 1 июндаги
ПФ–5454-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг Жанговар Байроғи тўғрисида» 1996 йил 26 декабрдаги ПФ–1663-сон Фармонида:

а) номидаги «идораларининг» сўзи «органларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1 ва 2-банддаги «Ички ишлар идоралари» ва «Ички ишлар идораларининг» сўзлари тегишлича «ички ишлар органлари» ва «ички ишлар органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларининг Жанговар Байроғи тўғрисидаги низомда:

номидаги «идораларининг» сўзи «органларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Жанговар Байроғи шон-шуҳрат, жасорат ва эътиқод рамзидир. У Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳар бир ходимини халқига ва жонажон Ватанига садоқат билан хизмат қилиш, ҳалол ва пок виждонли бўлиш, халқ манфаатларига хизмат қилиш, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишдек ўз зиммасига юклатилган хизмат бурчларини бор кучи ва билимини, зарур бўлса ҳаётини ҳам аямасдан мардлик ва матонат билан адо этишга даъват этади»;

2-бандда:

«Ички ишлар идорасига ва ўқув юртига» сўзлари «ички ишлар органига ва олий таълим муассасасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни «учебному заведению» сўзлари «высшему образовательному учреждению» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «идорасида» сўзи «органида» сўзи билан алмаштирилсин;

4-бандда:

«идораларининг» ва «идора» сўзлари тегишлича «органларининг» ва «ички ишлар органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матнидаги «Изменения наименования» сўзларидан кейин «органа внутренних дел» сўзлари билан тўлдирилсин;

5-банддаги «ҳаракатдаги Низомлари» сўзлари «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «бу шармандалиқда айбдор ходимлар ва идора бошлиғи қонун асосида жазоланадилар» сўзлари «ички ишлар органи ходимлари ва раҳба-

ри қонун ҳужжатларига мувофиқ жазоланадилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари Жанговар Байроғининг тавсифида:

номидаги ва иккинчи хатбошидаги «идоралари» сўзи «органлари» сўзи билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошидаги «идораси» сўзи «органи» сўзи билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «OZBEKISTON» сўзи «O‘ZBEKISTON» сўзи билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «идорасининг» ва «идораси» сўзлари тегишинча «органининг» ва «органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари Жанговар Байроғи ёрлиғининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари
Жанговар Байроғининг
ЁРЛИҒИ**

(ички ишлар органи номи)

ТОПШИРИЛСИН

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

**Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари Байроғининг
ТАСВИРИ**

**ТАСВИРНИНГ
орқа томони»**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармонида:

а) 1-иловада:

2-банднинг ўн учинчи хатбошидаги «ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари» сўзлари «ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахс-

ларга биометрик паспорт расмийлаштириш ва бериш тегишли мурожаат асосида белгиланган тартибда ушбу шахсларнинг доимий яшаш ёки бўлиш жойига борган ҳолда амалга оширилади».

16-банднинг иккинчи хатбошидаги «идоралари» сўзи «органлари» сўзи билан алмаштирилсин;

26-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «идоралари» сўзи «органлари» сўзи билан алмаштирилсин;

29-банддаги «идоралари» сўзи «органлари» сўзи билан алмаштирилсин;

39-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «идораси» ва «идоралари» сўзлари тегишлича «органи» ва «органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

41-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «идораларининг» сўзи «органларининг» сўзи билан алмаштирилсин;

44-банднинг иккинчи хатбошидаги «идоралари» сўзи «органлари» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

2-банднинг ўнинчи хатбошидаги «ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари» сўзлари «ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжати олиш учун доимий прописка қилинган жойи бўйича маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжати беш йил муддатга берилади.

16 ёшга тўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тугагач, шахс уни маълумотларни йиғиш пунктига топшириши шарт.

Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш ва бериш тегишли мурожаат асосида белгиланган тартибда ушбу шахсларнинг доимий яшаш ёки бўлиш жойига борган ҳолда амалга оширилади.»;

10-банднинг иккинчи хатбошидаги «идоралари» сўзи «органлари» сўзи билан алмаштирилсин;

23-банддаги «идорасига» сўзи «органларига» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари пенсионерларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4960-сон Фармонининг рус тилидаги матнида:

а) 1-банд «б» кичик бандида:

биринчи хатбошида «национальной» сўзи «государственной» сўзига алмаштирилсин;

иккинчи хатбошида «СНБ» қисқартмаси «СГБ» қисқартмасига алмаштирилсин;

б) 1¹-бандда, 1²-банд биринчи ва иккинчи хатбошиларда ва 3-бандда «национальной» сўзи «государственной» сўзига алмаштирилсин;

в) 1³-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1³. Установить, что с 1 мая 2018 года пенсия выплачивается в полном размере пенсионерам из числа сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан, осуществляющим трудовую деятельность в качестве преподавателей профильных дисциплин академических лицеев Министерства внутренних дел Республики Узбекистан»;

г) қўйидаги тахрирдаги 1⁴-банд билан тўлдирилсин:

«1⁴. Выплата пенсий пенсионерам, указанным в пунктах 1 — 1³, осуществляется в полном размере, если указанная в данных пунктах деятельность является единственным местом работы пенсионера».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон қарори 15-банди тўртинчи хатбошида «маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари» сўзларидан кейин «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари» сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сон қарорида:

а) 1-банднинг бешинчи хатбошидаги «туризм йўналишлари» сўзларидан кейин «гидлар (экскурсоводлар)» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 4-илованинг рус тилидаги матнида:

6-банднинг бешинчи хатбошидаги «по туристским маршрутам» сўзларидан кейин «гидам (экскурсоводам)» сўзлари билан тўлдирилсин;

7-банднинг «б» кичик банди қўйидаги мазмундаги саккизинчи — тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«организует и проводит мероприятия по повышению туристской культуры (идеологии гостеприимства) населения, проживающего вдоль туристских маршрутов и вблизи объектов туристского показа и инфраструктуры;

организует для работников гостиниц и других субъектов туристской деятельности краткосрочные учебные курсы по вопросам обеспечения безопасности туристов, оказания им первой медицинской помощи, взаимодействия с правоохранительными и другими государственными органами».

7-банднинг «г» кичик банди «по туристским маршрутам» сўзларидан кейин «гидам (экскурсоводам)» сўзлари билан тўлдирилсин;

7-банднинг «д» кичик банди қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«организует функционирование «телефонов доверия» в туристской сфере».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарорида:

а) 6-банднинг биринчи — тўртинчи хатбошилари қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданий-маърифий ишлар маркази ва «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуаси томонидан улар фаолияти билан боғлиқ бўлган пуллик хизматлар кўрсатиш ҳақидаги;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари махсус эксплуатация-монтаж бўлимларини (бўлинмаларини) ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг Йўл ҳаракати бошқармаси ҳузуридаги махсус эксплуатация-монтаж бошқармасини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин»;

б) 7-бандда «лавозимга қайта тайинлангунига» сўзларидан кейин «ёки пенсияга чиққунига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) 1-иловада:

6-банд қўйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хавфсиз туризмни таъминлаш»;

7-бандда:

«г» кичик банднинг биринчи хатбошидаги «эксперт-криминалистика фаолияти» сўзларидан кейин «терговга қадар текширув» сўзлари билан тўлдирилсин;

«к» кичик банднинг ўн иккинчи хатбошидаги «соғломлаштириш, мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «соғломлаштириш муассасалари ҳамда академик лицейлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги «л» кичик банд билан тўлдирилсин:

«л) хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида:

туристик намойиш объектлари ва инфратузилмалари ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлаш;

туристларни потенциал таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларга тез ёрдам кўрсатиш бўйича вазифаларни бажаришни таъминлаш;

автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти инфратузилмаларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

туризм йўналишларидан жиноий мақсадлар учун фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунга хилоф фаолиятини аниқлаш ва бар-тараф этиш;

туристлар вақтини хавфсиз ўтказишлари учун шарт-шароит яратиш, шу жумладан, умумий овқатланиш ва дам олиш жойларида, шунингдек оммавий-маданий ва кўнгилочар тадбирлар ўтказишда жамоат тартибини сақлаш бўйича чораларни амалга ошириш»;

11-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«бир йилда икки мартаба Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ахборот беради»;

тўртинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

12-банд биринчи хатбошида «етти» сўзи «саккиз» сўзига алмаштирилсин; қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Вазир меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарига тенглаштирилган маслаҳатчига эга.

Вазир маслаҳатчиси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазир маслаҳатчиси:

ички ишлар органлари фахрийларини муносиб ижтимоий ҳимоя қилиш;

ички ишлар органлари тизимида ҳурмат ва обрў-эътиборга эга бўлган ходимларнинг ижобий хизмат тажрибаси, амалий кўникмаси ва малакасини ёш ходимларга етказиш орқали уларда юксак ахлоқий ва касбий маҳоратни шакллантириш;

ички ишлар органларининг ёш ходимларида Ватанга ҳамда хизмат вазифаларига нисбатан садоқат ҳиссини шакллантириш учун масъулдир»;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарорида:

а) 1-иловада:

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиғи Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади»;

б) 2-иловада:

29-банд биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Профилактика инспекторлари экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2940-сон қарорида:

а) 1-банднинг еттинчи хатбошидаги «аниқ» сўзи «муайян» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-илова 3-банднинг ўн еттинчи хатбошидаги, 6-банд «в» кичик банднинг еттинчи, саккизинчи ва ўн биринчи хатбошиларидаги ҳамда «г» кичик банднинг ўн еттинчи хатбошидаги «аниқ» сўзи «муайян» сўзи билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарориди:

а) 1-иловада:

3-банднинг ўн иккинчи хатбошисида «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги» сўзларидан кейин «халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

6-банднинг учинчи хатбошисидаги «ўттиз беш» сўзлари «қирқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига хизматга, истисно тариқасида, Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлмаган фуқаролар орасидан ҳам номзодларни танлаш ва қабул қилишга рухсат берилади»;

34-банд учинчи хатбошисида «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири-нинг ўринбосари — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

47-бандда:

биринчи хатбоши «бошқа органлардан хизматга» сўзларидан кейин «қабул қилинган ёки» сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «бошқа органлар бўлинмаларига» сўзларидан кейин «қабул қилинган ёки» сўзлари билан тўлдирилсин;

50-бандда «махсус унвонлар берилган» сўзларидан кейин «(шу жумладан мазкур Низом кучга киргунга қадар хизматга қабул қилинган ёки ўтказилган)» сўзлари билан тўлдирилсин;

125-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидан «мактабгача таълим муассасаларига ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

1-банд иккинчи хатбошиси «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — ИИБ)» сўзларидан кейин «халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

62-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«62. Ходимнинг шикоятда баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбарият ушбу муурожаатни беш кун муддатда ваколатли идорага юборди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**452 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*****[Кўчирма]**

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг тезкор ривожланиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2016 йилда қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга механизация хизматлари кўрсатишнинг ягона ўзаро боғланган тизимининг яратилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари, «Ўзагро-сервис» АЖ ташкилотларининг сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини қайта жиҳозлашни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, мазкур соҳада ўтказилган таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш тизимида қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Улар қаторида:

биринчи, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзагросервис» АЖ ва улар таркибидаги корхоналарнинг, хусусан, машина-трактор паркларининг якуний молиявий кўрсаткичлари ва фаолиятининг самарасиз ташкил этилганлиги мазкур ташкилотлар фаолияти ва бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилишини талаб этмоқда;

иккинчи, тадбиркорлик субъектларининг машина-трактор парклари фаолиятига жалб этилмаганлиги уларни ривожлантириш ва модернизация қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчи, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан механизация ва сервис хизматларини кўрсатишлари борасидаги чекловлар мазкур хизматлар бозорининг тезкор ривожланишига ва қишлоқ хўжалиги ерларининг зарур техника билан кенг қамраб олинishiга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчи, механизация ва сервис хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари манфаатдорлигининг паст даражадалиги уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 майда эълон қилинган.

бешинчи, айрим мансабдор шахсларнинг механизация ва сервис хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашилари хусусий мулк дахлсизлигининг кафолатлари бузилишига ва мазкур фаолиятни амалга оширишнинг жозибадорлиги пасайишига олиб келмоқда;

олтинчи, агротехник ишларни ташкил этишда алоҳида ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, жумладан худудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқилмаслиги, шунингдек ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда механизация хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат молиявий кўмагининг мавжуд эмаслиги машина-трактор паркларида сезиларли даражада қарздорликлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда;

еттинчи, қишлоқ хўжалик техникаси ва унинг эҳтиёт қисмларига бўлган нархларни оптималлаштириш, шунингдек ўзаро манфаатдорлик шартлари асосида мамлакатга янги илғор ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш борасидаги ишларнинг лозим даражада амалга оширилмаганлиги механизация ва сервис хизматлари бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқарувчиларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда ва машина-трактор парклари фаолиятининг самарадорлигини пасайтирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш саноатини, енгил саноатни ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбарига (Н.С. Отажонов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ–2658-сон «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 7-бандининг «Автосаноат Агротехсервис» МЧЖ ва «Ўзагросервис» АЖ машина-трактор парклари тизимини оптималлаштириш қисми бажарилмаганлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

«Ўзагросервис» АЖ «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Агробанк» АТБ билан биргаликда икки ой муддатда «Автосаноат Агротехсервис» МЧЖ ва «Ўзагросервис» АЖ машина-трактор парклари тизимини оптималлаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва оптималлаштиришнинг барча жараёнларини 2018 йилнинг 1 октябрга қадар яқунласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзавтосаноат» АЖнинг:

2018 йил 1 июлдан «Ўзагросервис» АЖнинг «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш;

«Ўзагросервис» АЖ устав жамғармасидаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖга тегишли бўлган улушни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ устав жамғармасини ўтказилаётган улушнинг баланс қийматига камайтирган ҳолда давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва «Ўзагросервис» АЖ билан ҳамкорликда икки ой муддатда «Ўзагросервис» АЖни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг ташкилий тузилмасидан чиқиши билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

5. «Ўзагросервис» АЖ Кузатув кенгаши таркиби 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки:

«Ўзагросервис» АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш саноатини, енгил саноатни ривожлантириш, махсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси таркибига киреди;

«Ўзагросервис» АЖ бош директори жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқланади ва мақомига кўра вазирга тенглаштирилади;

«Ўзагросервис» АЖ бош директори ўринбосарлари жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқланади ва мақомига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

6. «Ўзагросервис» АЖ икки ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда «Ўзагросервис» АЖ ташкилотларининг бўш турган ва фойдаланилмаётган бинолари ва иншоотларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда уларни ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарздорликларини тегишли равишда камайтирган ҳолда баланс қиймати бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига машина-трактор паркларининг «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар кафиллигида тақдим этилган кредитлари бўйича мажбурият таъминотини (кафиллик, мол-мулк гарови) алмаштириш тўғрисида таклифлар киритсин.

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзагросервис» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг 2018 йил 1 ноябрдан қуйидагилар орқали машина-трактор паркларини бошқаришнинг энг самарали шаклини танлаш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда — эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик билдирилсин:

«Ўзагросервис» АЖнинг 2-иловага* мувофиқ 26 та машина-трактор паркларини тадбиркорлик субъектларига сотиш;

«Ўзагросервис» АЖнинг 3-иловага* мувофиқ 3 та машина-трактор паркларини давлат унитар корхоналарига (кейинги ўринларда — «Туман МТП» ДУК) айлантириш.

8. Белгилансинки:

а) «Ўзагросервис» АЖ машина-трактор паркларини сотиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлари томонидан 2018 йил 31 декабргача қуйидагилар орқали таъминланади:

баҳолаш бўйича ишлар харажатларини тегишли машина-трактор парклари маблағлари ҳисобидан қоплаган ҳолда машина-трактор паркларининг мулки ва мулкый ҳуқуқларни баҳолаш;

бир ёки бир нечта тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли машина-трактор паркларининг устав жамғармасидаги таъсисчи улушини эллик бир фоиздан юз фоизгача бозор нархида сотиб олиш бўйича энг яхши таклифлар танловини эълон қилиш ва ўтказиш;

машина-трактор паркларининг устав жамғармасидаги юз фоиз улуш сотиб олинган вақтдан бошлаб икки йил давомида ташкилий-ҳуқуқий шакл ва асосий фаолият турини (механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш) сақлаб қолиш шarti билан «Ўзагросервис» АЖ ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тегишли шартнома тузиш;

машина-трактор паркларининг устав жамғармаларидаги таъсисчи улушини сотишдан келиб тушган барча маблағларни «Ўзагросервис» АЖ ташкилотларининг қарздорликларини қоплашга йўналтириш;

б) таъсисчининг тегишли машина-трактор паркларининг устав жамғармаларидаги улушини баҳолаш қиймати бўйича сотиш имкони бўлмаган тақдирда, «Ўзагросервис» АЖ сотишга қўйилган активларнинг нархларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ–2200-сон «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан назарда тутилган тартибда босқичма-босқич пасайтириш механизмидан қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли;

в) «Ўзагросервис» АЖ машина-трактор паркларини «Туман МТП» ДУКга айлантириш тегишли вилоятлар ҳокимликлари томонидан 2018 йилнинг 31 декабргача қуйидагилар орқали таъминланади:

машина-трактор паркларининг устав жамғармаларидаги улушни кейинчалик уларни «Туман МТП» ДУКга айлантирган ҳолда тегишли туман ҳокимликларига баланс қиймати бўйича ўтказиш;

* 2-3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

«Ўзагросервис» АЖ устав жамғармасидаги давлат улушини туман ҳокимликларига ўтказилаётган улушнинг баланс қийматига камайтириш;

тегишли туман ҳокимликлари томонидан «Туман МТП» ДУК уставларини тасдиқлаш, шунингдек уларни малакали кадрлар билан тўлдириш;

г) тадбиркорлик субъектларига сотилган машина-трактор парклари, шунингдек «Туман МТП» ДУК тегишлича «Ўзагросервис» АЖнинг сотиладиган ва қайта ташкил этиладиган машина-трактор паркларининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

д) тегишли туман ҳокимлиги «Туман МТП» ДУКнинг таъсисчиси ҳисобланади ва мазкур корхонанинг мулки етарли бўлмаган ҳолларда унинг мажбуриятлари бўйича субсидия тарзда жавобгар бўлади;

е) тадбиркорлик субъектларига сотилган машина-трактор парклари ва «Туман МТП» ДУКларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ–2658-сон «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 14-банди билан «Ўзагротехмаш» АЖ ва «Ўзагросервис» АЖ ташкилотлари учун белгиланган барча божхона, солиқ имтиёзлари ва преференциялар, бўшаган маблағларни қарздорликни ёпишга йўналтирган ҳолда, татбиқ этилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларига экспериментнинг муваффақиятли ўтказилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

10. 2019 йилда «Туман МТП» ДУКларга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг мақсадли параметрлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Экспериментда иштирок этувчи ташкилотларга қуйидагиларни таъминлаш тавсия этилсин:

машина-трактор парклари томонидан кўрсатиладиган механизация ва сервис хизматлари рўйхатини кенгайтириш, жумладан юк ва енгил автотранспорт воситаларига ҳамда техниканинг бошқа турларига сервис хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш;

машина-трактор парклари фаолиятига инвесторларни, жумладан уларга хоналар, бино ва иншоотларни ижарага бериш ҳамда машина-трактор парки ҳудудида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш йўли билан жалб қилиш;

тегишли машина-трактор паркларининг жиҳозларини модернизация қилиш, шунингдек механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган жиҳозларнинг янги замонавий турларини сотиб олиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2020 йил 1 январга қадар ўтказилган эксперимент натижалари бўйича машина-трактор паркларини бошқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклини қўллаш бўйича асосланган таклиф киритсин;

2020 йилга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришда ҳосилдорлиги паст ерларга хизмат кўрсатувчи «Ўзагросервис» АЖ

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

машина-трактор парклари учун қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олишга субсидиялар ажратишни назарда тутсин.

14. 2018 йил 1 июлдан яқка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қишлоқ аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга жалб этиш бўйича кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек уларга ўз фаолиятларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси эксперимент ўтказишда қонунчиликка риоя этилиши ҳамда давлат органлари мансабдор шахсларининг машина-трактор парклари, фермерлик хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолиятига аралашиларига йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш, таъмирлаш ҳамда механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан тизимли мониторинг ва жамоатчилик назоратини олиб бориш, уларнинг натижалари бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судларга даъво аризалари киритиш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги техникаси ва улар эҳтиёт қисмлари нархларининг жаҳон конъюнктурасини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича аниқ таклифлар киритсин:

қишлоқ хўжалиги техникаси учун импорт қилинадиган эҳтиёт қисмларни бевосита ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш тизимини жорий этиш;

ўзаро манфаатли шартлар асосида Ўзбекистон Республикасига қишлоқ хўжалиги техникасининг янги илғор ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш.

18. «Ўзагросервис» АЖ:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда «Ўзагросервис» АЖ ва унинг ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи фонди миқдорини ошириш бўйича аниқ чоралар кўрсин;

икки ой муддатда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда реал вақт режимида механизация хизматлари кўрсатишнинг ягона электрон ҳисобини юритиш ва мониторинг қилишни жорий этиш чораларини кўрсин, бунда ушбу тизимнинг «Ўзагросервис» АЖ учун очиқ бўлишини таъминлашни назарда тутсин;

2019 йил 1 январига қадар тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни «Ўзагросервис» АЖга ўтказган ҳолда ҳудудий «Агросервис МТП» МЧЖларни «Ўзаг-

росервис» АЖ таркибига қўшиб юборишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 январдаги ПҚ–3459-сон «Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 12-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

«Ўзагротехмаш» АЖ ва «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖларнинг бир-бирини такрорловчи функциялари ва тузилмаларини, уларни бирлаштириш ҳамда «Ўзагролизинг» АЖни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг ташкилий тузилмасидан чиқариш йўли билан оптималлаштириш тўғрисида;

конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзагросервис» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президент девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматига мазкур қарорнинг ижро ҳолати тўғрисида ахборот киритиб борсинлар.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 май,
ПҚ–3751-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**454 Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чоратадбирлари тўғрисида***

Ўтган давр мобайнида давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, юқори малакали бошқарув кадрлари захирасини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолияти ислоҳ қилинди, шунингдек, Академия ҳузурида мамлакатимизнинг истиқболли ёш мутахассисларини қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимиятини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юқори малакали бошқарув кадрларини танлаб олиш ва тайёрлаш, уларнинг захирасини шакллантириш тизимини, жумладан бу борада замонавий ёндашувни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва «Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг 3 йилда бир марта истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танловини (кейинги ўринларда — танлов) ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага** мувофиқ;

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт»

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

танловда таянч олий маълумотга ва тегишли соҳада раҳбарлик лавози-мида камида уч йил иш тажрибасига эга, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган (45 ёш ҳам қўшилган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ишти-рок этиши мумкин;

Республика комиссияси танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга вазирилик ва идоралар, бошқа давлат ташкилотлари вакиллари, шунинг-дек, етакчи олим ва мутахассисларни, жумладан хорижий олим ва мутахас-сисларни жалб этиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда — Академия) Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

танловнинг холисона ва шаффоф ўтказилиши, шунингдек, номзодлар-нинг сифатли ва холисона танлаб олиниши, қўйиладиган талабларга улар-нинг мувофиқлиги учун жавобгарлик Республика комиссияси зиммасига юкланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

давлат ташкилотларида меҳнат қилаётган иштирокчиларнинг танловда иштирок этиш даврида уларнинг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади;

танлов ғолибларига энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, фи-нал босқичининг қолган иштирокчиларига эса — энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти тўланади. Бунда тан-лов финал босқичининг қолган иштирокчилари тегишли соҳанинг бошқа-рув кадрлари захирасига киритилади;

танлов ғолиблари Академия ҳамда Корпоратив бошқарув илмий-таъ-лим маркази базасида тегишли соҳага оид вазирликлар, идоралар, йирик компаниялар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий юқори малакали мутахас-сислар ҳамда олимлар иштирокида ўтказиладиган, ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида танловнинг тегишли номина-циялари юзасидан стажировка ўташни ўз ичига оладиган «Бошқарув кадр-ларини тайёрлаш бўйича Президент дастури»га мувофиқ уч ойлик курслар-да ўқийдилар;

танлов ғолиблари «Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури»га мувофиқ уч ойлик курсларни ўтагандан кейин тегишли йўна-лишлар бўйича давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинла-нади;

танлов ғолибларини тегишли раҳбарлик лавозимларига тайинлаш юза-сидан чора-тадбирларни кўриш, шунингдек, бошқарув кадрлари захирасига киритилган финал босқичи иштирокчиларининг фаолиятини кейинчалик уларни хизмат бўйича кўтариш ёки раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

мониторинг қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг умумий мувофиқлаштируви остида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Академия билан биргаликда икки ой муддатда:

талабгорларни рўйхатдан ўтказиш, иштирокчиларнинг сўровномаларини кўриб чиқиш, тест ва бошқа танлов синовларини ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижаларини тақдим этиш имкониятларига эга бўлган танловнинг махсус веб-порталини яратишни;

ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Республика комиссияси ишчи органини танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур аппарат-дастурий комплекслар билан жиҳозлашни таъминласин.

6. Қўйидагилар танловни ўтказишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

танлов ўтказишни ташкил этиш қисмида — Академияга харажатлар сметаси бўйича ажратиладиган бюджет маблағлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танлов ғолиблари учун «Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури»га мувофиқ уч ойлик ўқув курсларини ўтказиш қисмида — Академияга харажатлар сметаси бўйича ажратиладиган бюджет маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига ажратиладиган маблағлар;

танлов ғолиблари ва финал босқичи иштирокчиларига бир марталик пул мукофотини тўлаш қисмида — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танлов ғолибларининг ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида тегишли номинациялар бўйича стажировка ўташи қисмида — Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танловнинг махсус веб-порталини яратиш, ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Республика комиссияси ишчи органини танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур аппарат-дастурий комплекслар билан жиҳозлаш қисмида — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Академия билан биргаликда танловни ўтказиш доирасидаги тадбирларни молия-

лаштириш учун халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

8. «Тараққиёт стратегияси» марказига:

танлов ўтказилиши устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни;

танлов якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларнинг давлат, рус ва инглиз тилларида тайёрланиши ва эълон қилинишини, шунингдек, кенг тарқатилишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Академия ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда танловни ўтказиш якунлари юзасидан танлов доирасида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш тизимини такомиллаштириш, жумладан талабгорларга қўйиладиган замонавий талабларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги, Академия ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Давлат ташкилотларида бўш лавозимларни тўлдириш учун бошқарув кадрлари захирасини танловнинг финал босқичи иштирокчилари орасидан шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини;

конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни, шунингдек, унинг натижаларини кенг ёритиш, жумладан мавзуга оид мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиоэшитиришларни ташкил этиш тавсия қилинсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Р.С. Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент ш.,
2018 йил 30 май,
ПҚ-3755-сон

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**455 Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг барча тоифалари учун тенг рақобат шароитларига эга бўлган ягона иқтисодий маконни шакллантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, айрим хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар бериш юзасидан шаклланган амалиёт қуйидагилар каби қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда:

биринчидан, муайян тармоқ ёки ҳудуддаги алоҳида ташкилотларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар аниқ мезонларсиз ҳамда уларни асословчи шаффоф механизмларсиз танлаб берилиши оқибатида мазкур ташкилотлар учун асоссиз устувор шарт-шароитлар яратилмоқда;

иккинчидан, кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат бошқаруви функциялари қўшиб амалга оширилмоқда, бу эса бозорда имтиёзли мақомга эга бўлиш учун маъмурий ресурслардан фойдаланишга ва инсофли рақобат принциплари бузилишига олиб келмоқда;

учинчидан, индивидуал имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларда боқимандалик кайфияти шаклланмоқда, бундай субъектларнинг ташаббускорлиги йўқ ва ишчанлик фаоллиги паст, шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар рақобатбардош эмас;

тўртинчидан, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини, жумладан уларнинг муайян тармоқлар, ҳудудлар ва умуман мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолашда тизимлилик мавжуд эмас.

Бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, фаол тадбиркорлик ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсофли рақобат принциплари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида:

соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ ва божхо-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

на имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш тизимини, шунингдек, улардан фойдаланишни мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш;

солиқ ва божхона имтиёзларини фақат аниқ мақсадда бериш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, уларни қўллаш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш, самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга мажбурий қайтариш механизмларини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар (кейинги ўринларда имтиёзлар деб юритилади) қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилади, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарур;

вакцинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилади;

имтиёзлар беришга, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатларини тасдиқлашга доир ҳукумат ва идоравий қарорларни қабул қилиш тақиқланади;

божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар, имтиёзлар бериш тўғрисида қонун ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжати мавжуд бўлган тақдирдагина, имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади, шунингдек, уларнинг комплекс экспертизасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига киритилади;

божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг ижобий хулосаси олинган тақдирда, таш-

килот рўйхатда кўрсатилган товарларни белгиланган тартибда импорт қилиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги берилган имтиёзларни муддатидан олдин тугатиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига асослантирилган таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) имтиёзлар беришни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт. Бунда ушбу лойиҳалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан амалга ошириладиган экспертизаларнинг бошқа турлари бир вақтда ўтказилади;

б) экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига сўралаётган имтиёзлар бўйича асослантириш ва тегишли ҳисоб-китоблар мажбурий тартибда илова қилинади, уларда лойиҳанинг мақсади, амалга ошириш муддати, киритилаётган инвестиция ва экспорт ҳажми, янгидан ташкил этиладиган иш ўринлари сони, яратилаётган ёки жорий этилаётган инновацион маҳсулот, технологик янгиликлар, прогрессив илмий изланишларнинг аниқ натижалари, ишлаб чиқариш, ишлар (хизматлар, солиқ тушумлари, имтиёзларнинг ҳисобланган суммаси ва бошқалар) ҳажмининг ўсиши кўрсатилади. Ушбу ҳужжатлар, жумладан, қўйидагиларни:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, имтиёзлар ва преференцияларнинг алоҳида тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳудудларга таъсирини;

берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг бюджет ва жамият учун самарадорлигини;

уларнинг рақобат муҳитига ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш нуктаи назаридан кўриб чиқилади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг сўровларига кўра тегишли экспертиза ўтказиш учун зарур маълумотларни тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда имтиёзларнинг самарадорлигини, имтиёзлар суммасининг кутилаётган натижаларга ва қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқлигини, берилган имтиёзларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, айрим тармоқ ва минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳамда рақобат муҳитига таъсири даражасини тизимли равишда мониторинг қилиш ва баҳолаш тартибини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетдаги йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган имтиёзларни ҳисобга олиш тизимини жорий этсин;

навбатдаги молия йилига мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетдаги йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 май,
ПҚ-3756-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**456 Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи мустахкам ҳуқуқий база шакллантирилган, баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантириш, амалга ошириладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва ҳолислиги учун жавобгарликни ошириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинган.

Бугунги кунда баҳолаш хизматлари бозорида малака сертификатига эга мингга яқин баҳоловчилар меҳнат қилувчи икки юздан ортиқ баҳоловчи ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, бир қатор муаммо ва камчиликлар профессионал баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантиришга ҳамда баҳоловчи ташкилотларга бўлган ишончни оширишга тўсқинлик қилмоқда, жумладан:

биринчидан, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш функциясини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви органи зиммасига юклаш оқибатида баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жараёнида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги;

иккинчидан, баҳоловчи ташкилотлар капиталининг энг кам миқдорига бўлган юқори талабларнинг мавжудлиги профессионал мутахассисларнинг баҳолаш хизматлари бозорига киришини чекламоқда, бунинг оқибатида баҳолаш ишлари сифати уларга, айниқса, бизнесни баҳолаш ҳамда банк ва суғурта фаолиятида ортиб бораётган талабларга мос келмаслиги;

учинчидан, баҳоловчилар малакаси ва касбий маҳоратининг қониқарсиз даражадалиги, шунингдек, турли объектлар қийматини баҳолашнинг алоҳида шартларини ҳамда уларнинг ютуқларини рағбатлантиришни ҳисобга олмайдиган баҳоловчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарасизлиги;

тўртинчидан, баҳолашга ягона ёндашувни ва бозор конъюнктурасини ҳисобга олишни таъминламайдиган, тез ўзгариб бораётган бозорнинг замонавий шартларига жавоб бермайдиган, уларнинг халқаро стандартлар билан етарлича уйғунлашмаган мулкни баҳолаш миллий стандартларининг мавжудлиги;

бешинчидан, жамоат бирлашмаларининг баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботлар сифатини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда фаоллигининг етарли эмаслиги.

Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш, баҳоловчиларнинг профессионаллик даражаси ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, мазкур соҳада бажариладиган ишларнинг ҳолислиги ва сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 июнда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади), Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) баҳолаш фаолиятини лицензиялаш ва баҳолаш ташкилотлари устав капитали (устав жамғармаси)нинг энг кам миқдорига бўлган талабни бекор қилиш;

б) баҳоловчи ташкилотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация марказида (кейинги ўринларда — Марказ) аккредитация қилиш тартиб-таомилларини жорий қилиш;

в) Давлат рақобат қўмитасининг:

баҳоловчининг малака сертификатини бериш функциясини — Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига;

мулкни баҳолашнинг янги стандартларини тасдиқлаш, шунингдек, амалдаги мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб топиш функциясини — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига ўтказиш.

2. Давлат рақобат қўмитаси бир ҳафта муддатда илгари берилган баҳоловчи ташкилотларнинг лицензиялари ва баҳоловчиларнинг малака сертификатлари бўйича материалларни Марказга берсин.

3. 2018 йил 1 июлдан бошлаб Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича, имтиҳонларни муваффақиятли топширган тақдирда белгиланган намунадаги сертификатлар берилган ҳолда, махсус курслар ташкил этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини инобатга олган ҳолда тасдиқланади;

баҳоловчи ташкилотларнинг илгари берилган лицензиялари амал қилиш муддати 2019 йил 1 январдан тугатилади;

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида ҳар йили малака ошириш курсларини ўтаган тақдирда баҳоловчиларнинг илгари берилган малака сертификатлари амал қилиш муддати тугагунига қадар уларни қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

5. Белгилансинки, баҳоловчи ташкилотнинг жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда суғурталовчининг суғурта қопламаси тўловини амалга ошириши юзасидан мажбурияти бўйича суғурта пули:

кўчар мулкни баҳолаш учун, қимматли қоғозлар, улушлар, интеллек-

туал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлар бундан мустасно — энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан;

кўчмас мулкни баҳолаш учун, мулкӣ комплекс сифатидаги корхона бундан мустасно — энг кам иш ҳақининг 2 500 бараваридан;

бизнесни (мулкӣ комплекс сифатидаги корхонани, барча турдаги моддий ва номоддий активларни) баҳолаш учун — энг кам иш ҳақининг 3 000 бараваридан кам бўлмаслиги керак.

6. Баҳоловчиларга тоифа беришнинг сертификатланган баҳоловчилар, иккинчи, биринчи ва олий тоифали баҳоловчиларни ўз ичига олувчи тизими амалиётга жорий этилсин ҳамда баҳоловчиларга қуйидаги асосий талаблар ўрнатилсин:

иккинчи тоифага — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 15 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги;

биринчи тоифага — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 25 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги;

олий тоифа — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 35 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой муддатда Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

баҳоловчи ташкилот устав капитали (устав жамғармаси)нинг камида 51 фоизи мазкур баҳоловчи ташкилотнинг битта ёки бир нечта штатдаги баҳоловчисига тегишли бўлиши лозим;

2019 йил 1 январидан бошлаб баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари фақат биринчи ёки олий тоифадаги баҳоловчи бўлиши мумкин;

баҳоловчи, агар у бошқа баҳоловчи ташкилот штатида турган бўлса, баҳоловчи ташкилот томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида баҳолаш ишларини олиб боришга жалб қилина олмайди;

буюртмачи ёки бошқа шахсларнинг, агар бу баҳолаш натижасининг ишончилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, баҳоловчининг фаолиятига аралашувига, жумладан, баҳолаш объектини баҳолашда аниқланиши ёки таърифланиши лозим бўлган масалалар доирасини чеклашга йўл қўйилмайди;

баҳоловчи объектив баҳолашни олиб боришга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги оқибатида баҳолашни ўтказишда иштирок эта олмаслиги ҳақида буюртмачига ёки меҳнат шартномасини тузган баҳолаш ташкилотига маълумот бериши шарт;

баҳолаш объектини баҳолашни ўтказганлиги учун баҳоловчига тўлана-

диган ҳақ миқдори баҳолаш объекти қийматининг якуний миқдорига боғлиқ бўла олмайди;

баҳолаш ҳақида ҳисоботнинг ҳаққонийлигини экспертиза қилиш учун фақат биринчи ёки олий тоифа баҳоловчилар жалб этилиши мумкин.

8. Аффилиланган шахс бўлган баҳоловчи ташкилот ёки баҳоловчи томонидан баҳолаш ҳақида ҳисоботлар ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш тақиқлансин, бундай шахслар деб қуйидагилар тан олинади:

баҳолашни олиб борган баҳоловчи ташкилот мулкдори, муассиси (иштирокчиси), кредитори, суғурталовчиси, баҳоловчиси;

бюртмачининг мулкдори, муассиси (иштирокчиси, акциядори), кредитори, ишчиси;

баҳолаш объектига нисбатан мулкӣ манфаатга эга бўлган ёки мазкур бандда кўрсатилган шахслар билан яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахс;

бюртмачи ёки баҳолашни олиб борган баҳоловчи ташкилот кузатув кенгашининг аъзоси, директор ёки бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширадиган шахс;

устав жамғармаси (устав капитали)да баҳолашни олиб борган баҳоловчи ёки баҳоловчи ташкилот улуши бўлган юридик шахс;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа шахслар.

9. Белгилансинки, давлат мулкани, шунингдек, давлат томонидан соғиб олинadиган объектларни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни танлаш давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Давлат рақобат қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари бюртмалари асосида баҳолаш объектини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматлари қийматини аниқлаш ва хизматга ҳақ тўлаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин.

10. Баҳоловчи ташкилотларга кўрсатиладиган хизматлар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги дастлабки тўловсиз хизматлар кўрсатишга рухсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчилар жамиятига:

баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини услубий таъминлаш бўйича маслаҳатлар беришни амалга оширадиган жамоат эксперт кенгашини тузиш, шунингдек, уларнинг мурожаатлари асосида баҳолаш ҳақида ҳисоботларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тавсиялар бериш;

электрон тарзда ҳамкорлик қилиш, таҳлилий шарҳлардан умумий фойдаланиш ва ахборот алмашилиш йўли билан барча баҳоловчилар ва баҳолаш ташкилотлари (айниқса, минтақаларда), давлат идоралари билан самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш;

кўрсатилаётган баҳолаш хизматларининг сифатини асосий мезон сифатида назарда тутган ҳолда баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш;

баҳоловчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчиларини ишончли маълумотлар билан ишлашани таъминлайдиган бозор ахборотини йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича ягона услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

доимий асосда семинарлар, ўқув курслари, давра суҳбатлари, учрашувлар, анжуманлар ўтказиш, давлат идораларига киритиш учун баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кенг муҳокама қилиш тавсия этилсин.

12. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар муддатда 2016 — 2018 йилларда давлат мулкани баҳолаш бўйича тузилган контрактларни ҳамда амалга оширилган баҳолаш натижаларини танқидий ўргансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларига қабул квоталарини шакллантиришда баҳолаш хизматлари бозорининг малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Давлат рақобат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси баҳоловчилари жамияти ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

амалдаги мулкни баҳолаш миллий стандартларини танқидий қайта кўриб чиқиш, уларни замонавий талабларга мувофиқлаштириш ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, етишмайдиган мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, эскирганларининг кучини йўқотиш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда баҳолаш фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид давлат талабларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой муддатда Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги янгиланган низом тасдиқлаш, шунингдек, қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 июнь,
ПҚ-3764-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

457 Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 36³-банд билан тўлдирилсин:

«36³. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси».

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 июнь,
419-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 июнда эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БЎЙРУҒИ

458 Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига асосан **бюраман:**

1. Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 май,
185-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги директорининг
2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғига
ИЛОВА

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 майда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аванс тўлови — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

давлат буюртмачиси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилди) — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс;

давлат харидлари тўғрисидаги шартнома — давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида буюртмачи ва давлат харидларининг ижрочиси ўртасида тузиладиган битим;

ягона етказиб берувчи — табиий монополия субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармонларида, қарорларида ва фармойишларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган субъектлар, шунингдек давлат томонидан харид қилинаётган, бозорда муқобиллари мавжуд бўлмаган ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи;

танлов — шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи голиб деб топиладиган харид қилиш тартиб-таомилини амалга оширишнинг тури;

танлов таклифи — танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ иштирокчининг танлов предметига нисбатан тақдим этиладиган таклифи;

лот — турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг жамланмаси сифатида буюртмачи томонидан белгиланган ва алоҳида шартнома бўйича харид предметининг миқдорий қисми;

таклифни таъминлаш — буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, қафолат, закатлар тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши;

шахсий кабинет — электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

режа-жадвал — товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг ҳажмлари ва жойлаштириш муддатларини назарда тутувчи ҳужжат;

давлат харидлари бўйича тўғридан-тўғри шартнома — махсус ахборот порталида рўйхатга қўйилиши шарт бўлган, давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида буюртмачи ва давлат харидларининг ижрочиси ўртасида тузиладиган битим;

қадам ўлчови — нархни пасайтириш учун аукционнинг бошланғич нархини ёки олдинги иштирокчи нархининг фоиз билан белгиланадиган камайтириш пул миқдори;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) — аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи махсус ахборот порталининг таркибий бўлинмаси;

ягона етказиб берувчилар реестри — ваколатли орган билан келишилган ҳолда махсус ахборот портали оператори томонидан юритиладиган ахборот ресурси;

захира ижрочиси — тегишли харид комиссиясининг қарори билан танлов ёки тендер фолибидан сўнг танлов ёки тендер таклифи энг яхши деб топилган танлов ёки тендер иштирокчиси;

махсус ахборот портали (бундан буён матнда портал деб юритилади) — операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси;

табiiй монополия субъекти — табiiй монополия шароитларида товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва/ёки реализация қилиш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъект (юримдик шахс);

тендер таклифи — тендер ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тендер предметига нисбатан иштирокчининг таклифи;

давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги;

электрон тизим — барча манфаатдор шахслар фойдалана оладиган, харидларни ўтказишни таъминловчи дастурий-техник комплексида фойдаланган ҳолда харидлар жараёнлари иштирокчилари ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди учун буюртмаларни жойлаш тизими;

электрон давлат харидлари — электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усуллари.

2. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

электрон дўкон;

бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;

танлов;

тендер;

ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари.

Давлат харидлари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

3. Харидларга тайёргарлик ўз ичига қуйидагиларни олади:

порталда харидларнинг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини жойлаштириш;

порталда харидлар ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш;
буюртмачилар ва харид жараёнлари иштирокчилари (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) томонидан харидларда уларнинг иштирокини таъминловчи аванс тўловларини киритиш.

4. Порталда жойлаштириладиган режа-жадвал қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

харид предмети;

харид ўтказиладиган ой;

буюртмачининг номи ва манзили;

харид предметини молиялаштириш манбалари;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш жойи (манзили), муддатлари ва шартлари.

2-боб. Электрон давлат харидлари

1-§. Электрон давлат харидларини ўтказишнинг умумий шартлари

5. Буюртмачи ва иштирокчилар ХҚКПдаги шахсий ҳисобварақларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон давлат харидларига (бундан буён матнда электрон харидлар деб юритилади) қўйилади.

6. Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

7. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан киритилган закат шартнома мажбурияти бажариладиган вақтга қадар ёки шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинганга қадар хатлаб қўйилади, бундан 8-бандда белгиланган ҳоллар мустасно.

8. Иштирокчиларнинг заकати бошқа иштирокчилар томонидан пастроқ нархдаги таклиф берилгунга қадар хатланади.

9. Электрон харидлар электрон дўконда ва/ёки электрон аукционда амалга оширилади.

10. Буюртмачи рўйхатга кирмаган товарларни (ишларни, хизматларни) электрон харидлар воситасида харид қилиши мумкин.

11. Оператор томонидан буюртмачи ва иштирокчилардан ундириладиган воситачилик ҳақи миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

12. Операторнинг электрон тизими автоматик режимда қўйидагиларни амалга оширади:

киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон харидлардан фойдаланиш;

электрон харидларни ўтказиш;

электрон харидлар натижаси бўйича иштирокчиларни аниқлаш;

битимни рўйхатга олиш ва шартномани шакллантириш.

2-§. Электрон дўкондан фойдаланиш

13. Электрон дўкон иштирокчиларнинг таклифларидан шакллантирилади. Иштирокчининг электрон дўконга қўйилган таклифи буюртмачиларга юборилган оммавий офертadır.

14. Қонуннинг 43-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ электрон дўконда қуйидаги давлат харидлари амалга оширилиши мумкин:

бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан (бюджет буюртмачилари учун энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан) ошмайдиган, бироқ бир йилда бир буюртмачи учун энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз баравари миқдордаги суммадан кўп бўлмаган товарлар;

бир буюртмачи учун энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ошмайдиган миқдордаги ишлар, хизматлар.

15. Иштирокчи электрон дўконга жойлаштирилган ўз таклифида қуйидагиларни кўрсатади:

таклиф этилаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номи;

сотиш нархи;

товарнинг энг кўп ва энг кам тўпи;

товарнинг русуми ва техник параметрлари (техник паспорт ёки бошқа хужжат асосида);

товарнинг фотосурати;

товар етказиб бериладиган (иш бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) худуд;

товарни ишлаб чиқарувчи ва товар келиб чиққан мамлакат тўғрисидаги ахборот;

кафолат шартлари ва муддати тўғрисидаги ахборот;

товар ишлаб чиқарилган йил;

товарнинг яроқлилиқ муддати;

ишни бажариш, хизматни кўрсатиш муддати;

зарур бўлганда, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бошқа хужжат ёки сертификат мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

16. Иштирокчи электрон дўконда жойлаштирилган ахборотнинг ишончлилиги бўйича тўлиқ жавобгар бўлади.

17. Иштирокчининг офертаси у электрон дўконга жойлаштирилган пайдан бошлаб ўн беш календарь кун мобайнида амал қилади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг иштирокчи уни яна ўн беш календарь кунга активлаштириши мумкин.

18. Оферта буюртмачи томонидан акцептлангунга қадар иштирокчи офертани ҳар қандай муддатда чақириб олиши ёки унга тузатишлар кириштишга ҳақли.

19. Буюртмачи электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлай-

ди ва товар (иш, хизмат) танлангач, харажатлар моддасини белгилаган ҳолда нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

20. Портал автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлашга мажбур.

21. Нархлар сўрови механизми, буюртмачига ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган иштирокчилардан пастроқ нархни сўраш имкониятини тақдим этадиган электрон тизимнинг функциясидан иборат.

22. Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф портал томонидан юборилган пайтдан эътиборан қирқ сақкиз соат ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

23. Иштирокчиларнинг манзилига юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф буюртмачи томонидан танланган иштирокчининг офертасига ҳаволани ўз ичига олади.

Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш ҳақидаги таклифни олган вақтдан бошлаб буюртмачи томонидан танланган оферта нархидан пастроқ нарх бўйича таклиф киритишга ҳақли.

24. Буюртмачи ва иштирокчилар харидларни электрон дўконда тартиб-таомили орқали амалга оширишдан олдин ХККПдаги шахсий ҳисобварағига иштирокчи оферта қийматининг 3 фоизи миқдоридagi закатлатни жойлаштиради.

25. Агар нарх сўрови мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх буюртмачи томонидан танланган нархдан 15 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса, иштирокчи буюртмачи томонидан танланган офертанинг нархи ва ўзи томонидан таклиф этилган нархнинг фарқи миқдоридagi қўшимча закатлатни харид предметининг ҳар бир бирлиги учун олдиндан киритиши шарт.

Қўшимча закатлат мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу таклифлар электрон тизим томонидан автоматик равишда рад этилади.

26. Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш портал томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

27. Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан буюртмачи ёки иштирокчилар якуний натижалар эълон қилингунига қадар фойдалана олмайди. Ижрочининг номи ва унинг таклиф қилган нархи голиб аниқланган пайтда порталда акс эттирилади.

28. Портал шартномани буюртмачи томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

29. Портал тузилган битимни рўйхатга олади, буюртмачи ва иштирокчининг шахсий ҳисобварағидан операторнинг воситачилик ҳақини ечиб олади. Битимни рўйхатга олиш электрон тизим томонидан шартномани шакллантириш ва унга ўзига хос рақам бериш билан амалга оширилади.

30. Порталда рўйхатдан ўтказилган иштирокчиларнинг ҳеч бири даст-

лабки таклифдан пастроқ нархни таклиф қилмаса, портал буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказди.

31. Харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра электрон дўконда товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса, буюртмачи мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан шартнома тузиш орқали тўғридан-тўғри харидни амалга оширишга ҳақли. Бунда ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган давлат харидларининг суммаларга оид мезонлари амал қилади.

32. Тўғридан-тўғри харид натижасида тузилган шартнома у тузилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай порталга жойлаштирилиши лозим. Тўғридан-тўғри харид учун жавобгарлик буюртмачининг зиммасида бўлади.

3-§. Аукцион ўтказиш

33. Қонуннинг 46-моддасига асосан аукцион воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;

товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш заруратининг мавжуд эмаслиги; хизматларнинг, ишларнинг давлат хариди объекти бўлмаслиги;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан кам бўлиши. Бюджет буюртмачилари учун аукциондаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак.

34. Буюртмачи аукцион ўтказиш ҳақида харидлар режа-жадвалига мувофиқ порталга эълон жойлаштиради.

Буюртмачилар ва иштирокчилар томонидан аукционда иштирок этишдан олдин ХККПдаги шахсий ҳисобрақамларига аукционнинг бошланғич нархидан 3 фоиз миқдориде закатат маблағи ўтказилади.

35. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон аукцион ғолиби аниқлангунга қадар камида ўн кун аввал жойлаштирилиши керак.

36. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

буюртмачининг номи ва манзили;

аукционнинг биринчи ва охири куни (аукцион ўтказиладиган давр);

аукцион предметининг бошланғич нархи;

аукцион предметининг хусусиятлари (аукцион предметининг таснифи);

аукцион предметини лотлар бўйича бўлиб чиқиш ва ҳар бир лотнинг ҳажми;

товарларни етказиб бериш муддатлари ва шартлари;

товарлар етказиб бериладиган жой (манзил);

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг мавжудлиги ҳақида талаб (зарур бўлганда);

товарнинг ўзига хос хусусий параметрларини ифодаловчи алоҳида шартлар.

37. Аукцион буюртмачининг эълонида баён этилган талабларни инобатга олган ҳолда ўтказилади.

38. Агар буюртмачининг эълонида бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, иштирокчи янги товарни етказиб бериши шарт.

39. Аукцион электрон тизимда бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади. Қадам ўлчови оператор томонидан ваколатли орган билан келишилган ҳолда белгиланади, лекин иштирокчи томонидан киритиладиган закатат миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

40. Бюджет буюртмачисининг эълони буюртмачи томонидан эълон жойлаштирилган вақтдан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг пул маблағлари мавжудлиги ҳақидаги тасдиғи олингандан сўнг активлаштирилади ва иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилиш бошланади.

41. Агар таклиф нархи буюртмачи томонидан берилган бошланғич нархдан паст ва/ёки бошқа иштирокчининг таклиф қилган нархидан паст бўлса, портал иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни таъминлайди.

Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

Аукцион уни ўтказиш ҳақидаги эълонда кўрсатилган муддатда (сана ва вақт), бироқ охириги таклиф келиб тушган вақтдан сўнг беш минутдан кам бўлмаган вақтда тугаган деб ҳисобланади.

Мазкур вақт ичида янги таклиф берилган тақдирда, иштирокчилардан таклифларни қабул қилиш муддати охириги таклиф олингандан сўнг яна беш минутга узайтирилади.

Бунда, аукционнинг тугаш муддати операторнинг иш куни ва иш вақтига тўғри келиши лозим.

Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион ғолиби аниқланмагунига қадар порталда акс эттирилмайди.

Агар аукцион мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх бошланғич нархдан 15 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса, иштирокчи бошланғич нарх ва ўзи томонидан таклиф этилган нархнинг фарқи миқдоридagi қўшимча закататни харид предметининг ҳар бир бирлиги учун олдиндан киритиши шарт.

Қўшимча закатат мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу таклифлар электрон тизим томонидан автоматик равишда рад этилади.

42. Аукцион тугайдиган вақт келганда портал аукцион ўтказилган вақт давомида берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган таклифни автоматик равишда аниқлаб олади. Энг паст нарх кўрсатилган таклифни берган иштирокчи аукцион ғолиби сифатида портал томонидан саралаб олинади. Ижрочининг номи порталда акс эттирилиб, ушбу тизим тузилган битимни автоматик равишда қайд этади ва буюртмачининг буюртманомасида баён этилган шартларга мувофиқ шартномани шакллантиради.

43. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва голиб аниқланмайди, буюртмачи аукционни беш кунга узайтиради. Аукционни узайтириш аввалги аукцион тамом бўлган пайтдан эътиборан уч кун ичида буюртмачи томонидан амалга оширилади. Аукционни узайтиришда буюртмачи бошланғич нархни, техник талабларни, хусусиятларни ёки техник топшириқни қайта кўриб чиқишга ҳақли.

44. Агар қайта аукцион таклифлар мавжуд эмаслиги сабабли ўтказилмаган деб топилган бўлса, буюртмачи Қонуннинг 48-моддасида назарда тутилган тартиб-таомил бўйича танлов ўтказишга ҳақли.

3-боб. Танлов ўтказиш тартиб-таомиллари

1-§. Танлов воситасида харидларни ўтказиш шартлари ва тартиби

45. Танлов воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил ва аниқ таърифини таърифлаш имконияти мавжуд;

голибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

Корпоратив буюртмачилар томонидан қуйидаги ҳолларда танлов орқали харидлар амалга оширилади:

товар қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни;

хизматларнинг, ишларнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганда.

46. Бюджет буюртмачилари томонидан қуйидаги ҳолларда танлов орқали харидлар амалга оширилади:

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни;

ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганда.

47. Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошган ҳолларда танлов бўйича техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) билан келишиб олиниши лозим.

48. Агар инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари билан буюртмачиларга тендерни ўтказмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб

берувчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган тақдирда, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлов ўтказиш орқали амалга оширилади. Бунда танлов ҳақидаги эълон буюртмачи томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугагунига қадар камида ўн кун олдин порталда жойлаштирилади.

2-§. Танлов ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

49. Буюртмачи танловни ўтказиш учун тоқ сонли аъзолардан (камида бешта кишидан) иборат харид комиссиясини (бундан буён матнда танлов комиссияси деб юритилади) тузади.

50. Танлов комиссияси аъзоларининг таркиби ва сони олинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши мумкин.

51. Харид қилиш хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси буюртмачининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқига эга экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

52. Харид қилиш лойиҳа фаолияти доирасида ўтказилганда танлов комиссияси вазифаларини белгиланган тартибда ташкил этиладиган лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ бажаради, у харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

53. Қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги давлат харидлари ўтказилганда танлов комиссияси таркибига буюртмачининг вакилларида ташқари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилади.

54. Танлов комиссияси буюртмачининг тегишли қарори билан тузилади ва тарқатиб юборилади.

55. Танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг масъул котиби ташкил этади.

3-§. Танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлов ўтказилиши ҳақида эълон бериш

56. Буюртмачи томонидан танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг буюртмачининг мутахассислари ёки танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан танлов ҳужжатларининг, шартнома ва танлов ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

57. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;
танлов ўтказиладиган жой манзили;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

бююртмачининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг Ф.И.О., лавозими ва манзили;

танлов ҳужжатлари қоидаларини изоҳлаш учун сўров бериш шакли;

таклифларни бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

58. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб;

танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

агар товарнинг (ишнинг, хизматнинг) муқобил вариантларига йўл қўйилса, лотни алмаштириш бўйича муқобил таклифларни баҳолаш тартибининг тавсифи;

техник топширик;

Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

59. Танлов ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

60. Буюртмачи танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясига киритади.

61. Танлов комиссияси ўз мажлисларида танлов ҳужжатларининг Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуйидагиларни:

таклифлар қабул қилинадиган муддатларни;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини;

таклифларни баҳолаш мезонларини;

таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди.

62. Танлов ҳужжатлари танлов комиссияси томонидан келишилгандан сўнг танловни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

63. Танлов ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари қайта кўриб чиқилади.

64. Буюртмачи танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилган танлов ҳужжатларини ўзининг имзоси ва муҳри билан тасдиқлайди.

65. Тасдиқланган танлов ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек танлов ўтказиш ҳақидаги эълон танлов иштирокчиларининг таклифларини

қабул қилиш муддати тугашидан камида ўттиз кун аввал буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади.

66. Танлов ўтказиш ҳақидаги эълон қўшимча равишда буюртмачининг расмий веб-сайтида ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтида, шунингдек оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилиши мумкин.

67. Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

68. Буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.

69. Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

70. Танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

71. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

72. Зарур ҳолларда буюртмачи танлов комиссияси қарори асосида таклифларни бериш муддатини узайтиришга, шунингдек иштирокчиларга уларнинг таклифлари амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан муурожаат қилиши мумкин.

73. Танлов ҳужжатларида буюртмачи ҳар бир товарни (ишни, хизматни) харид қилишда алоҳида лот сифатида эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда буюртмачи товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун танловнинг ҳар хил лоти бўйича бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир лот учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин.

4-§. Танлов таклифларини бериш тартиби

74. Порталда эълон қилинган танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

75. Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

76. Танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга муҳрланган конвертларда (конвертнинг елимланган жойига иштирокчининг муҳри босилади) тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак.

77. Таклифлар солинган конверт танловни ташкиллаштириш ва ўтка-

зишга масъул шахсга рўйхатга олиш китобида топширувчи ва қабул қилувчи шахслар имзоси остида, қабул қилишнинг санаси ва вақтини қайд этиш йўли билан қабул қилинади. Рўйхатга олиш китоби ип билан тикилган, рақамланган ва муҳрланган бўлиши керак.

78. Таклифлар билан бирга иштирокчилар харид объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунасини тақдим этиши мумкин.

79. Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

80. Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

81. Танлов иштирокчиси тақдим этилган таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни чақириб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

82. Танловга таклифларни қабул қилиш порталда чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

83. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли.

84. Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориши шарт.

85. Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгиланган тақдирда, таклифлар юборилгунига қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровга дархол жавоб беради.

86. Танловда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

5-§. Танлов натижаларини сарҳисоб қилиш

87. Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

88. Танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи

иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи танловни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

89. Танлов ҳужжатларининг шартлари ўзгартирилмасдан такроран танлов ўтказилганда такроран танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон иштирокчилардан таклифлар қабул қилинадиган муддат тугайдиган санадан камида ўн кун олдин буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади.

90. Товарга (ишга, хизматга) нисбатан баҳолаш шартлари, мезонлари ва талабларни ўзгартириш зарурати пайдо бўлганда харид комиссияси асосларни келтирган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

6-§. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш

91. Танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертлар танлов комиссияси йиғилишида очилади.

92. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

93. Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда танлов комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чоғида ҳозир бўлишга ҳақли.

94. Таклифлар солинган конвертларни очишда уларда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар конвертда мавжуд бўлмаган ҳолатда, танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли.

95. Танлов таклифлари солинган конвертларни очиш жараёни буюртмачи томонидан видеоёзувга туширилади. Конвертларни очиш давомида иштирокчилар тақдим этган барча ҳужжатлар ва тижорат таклифининг нархи ўқиб эшиттирилади.

96. Агар таклифни киритган танлов иштирокчиси Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

97. Танлов комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

98. Танлов ҳужжатларини баҳолаш мақсадида танлов комиссияси комиссия аъзолари ва экспертлардан иборат бўлган баҳоловчи гуруҳ тузишга ҳақли.

99. Таклиф Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

100. Баҳолаш пайтида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси орқали белгиланган тартибда олиб борилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

101. Танлов таклифи танлов ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучида қолади.

102. Танлов иштирокчисининг конвертини очишда танлов комиссияси томонидан танлов таклифининг малакага оид, техник ва нарх қисми бўйича ўрганиш ўтказилади. Танлов комиссиясининг танлов таклифларининг техник ва нарх қисмини баҳолаш ҳақидаги қарори танлов ғолибини аниқлаш ҳақидаги баённомада қайд этилади.

103. Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.

104. Танлов комиссияси ижрочини ва захира ижрочини аниқлайди ёки танловни ўтказилмаган деб топади.

105. Агар танлов ҳужжатларида танловнинг ҳар бир товари (иши, хизмати) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида лоти сифатида кўриб чиқилиши назарда тутилган бўлса, танлов комиссияси ғолибни танловнинг ҳар бир лоти бўйича аниқлайди.

106. Танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

107. Танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг мажлислари юзма-юз ёки сиртдан (сўров орқали, барчанинг иштирокисиз) ўтказилиши мумкин. Юзма-юз мажлислар конференциялар (видеоконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

108. Танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг қарори комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

109. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади ва танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённомадан кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида порталда эълон қилинади.

110. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

таклифлари кўриб чиқилган танлов иштирокчилари тўғрисидаги;

таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлов иштирокчилари ҳақидаги;

танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

танлов ғолибининг номи (юридик шахслар учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили).

111. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

112. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7-§. Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш

113. Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.

114. Буюртмачи танлов бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан буюртмачининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида бекор қилинган ҳоллар мустасно.

115. Буюртмачи ўтказилган танлов якунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида бир иш куни ичида қарор қабул қилади.

116. Ғолиб бўлган таклифнинг акцепти қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин, агар:

давлат харидлари бекор қилинмаган бўлса;

ғолиб бўлган таклифни юборган иштирокчи четлатилмаган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомили бузилмаган бўлса.

117. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади.

118. Танлов натижалари тўғрисидаги ахборот буюртмачи томонидан порталда эълон қилинади ва буюртмачилар билан тузилган шартномалар реестрига киритилади.

119. Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочисига ўтади ва танлов ғолибига таъминот суммаси қайтариб берилмайди. Бунда захира ижрочиси танлов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

120. Буюртмачи қуйидаги ҳолатлардан бири юз берган тақдирда таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни дарҳол қайтаради ёки кейин унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;

давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу

шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишнинг охирги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олинishi, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

121. Икки ёки ундан ортиқ буюртмачиларнинг харидлар режасига мувофиқ қўшма танловлар ўтказилиши мумкин.

122. Қўшма танловлар бир давлат дастури ёки лойиҳалар портфелида иштирок этаётган буюртмачилар доирасида шакллантирилиши шарт.

123. Танлов иштирокчилари танлов шартлари ва танловни ўтказиш тартиб-таомиллари бузилган ҳолатларда танлов натижалари устидан белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

124. Танлов комиссияси харидларнинг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

125. Танлов комиссиясининг ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлари Қонуннинг 19-моддасига асосан барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

4-боб. Тендер ўтказиш тартиб-таомиллари

1-§. Тендер ўтказиш шартлари

126. Тендер воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

корпоратив буюртмачилари учун товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этади;

бюджет буюртмачилари учун тендердаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этиши керак.

127. Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина порталга ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши шарт.

2-§. Тендерни ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

128. Тендер ўтказиш учун буюртмачи ҳузурида тоқ сонли (етти кишидан кам бўлмаган) аъзолардан иборат харид комиссияси (бундан буён матнда тендер комиссияси деб юритилади) тузилади.

129. Тендер комиссиясининг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш

тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

130. Тендер хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда тендер комиссияси буюртмачининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқига эга экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

131. Тендер лойиҳа фаолияти доирасида ўтказилганда тендер комиссияси вазифаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиладиган лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ бажаради, у тендер натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

132. Тендер комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилиши шарт.

133. Тендер комиссияси буюртмачининг тегишли қарорлари билан шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

134. Тендер комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг масъул котиби ташкил этади.

3-§. Тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

135. Буюртмачи томонидан тендер ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан кейин буюртмачи мутахассислари ёки унинг масъул шахслари тендер ҳужжатлари лойиҳаси, шартномаси ва эълонининг матни ишлаб чиқарилади.

136. Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;

тендер ўтказиладиган жой манзили;

тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

буюртмачининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг номи, лавозими ва манзили;

тендер ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун сўров бериш шакли;

таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

тендер таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

137. Тендер ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

тендерда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тақдим этилиши кераклиги бўйича талаб;

тендер иштирокчиси таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги ахборот;

тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатлари қодаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топшириқ;

Қонунга мувофиқ тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

138. Ишлаб чиқилган тендер ҳужжатларининг лойиҳаси буюртмачи томонидан тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Марказга юборилади.

139. Тендер комиссияси ўзининг мажлисида тендер ҳужжатлари лойиҳасини Қонун талабларига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқиб, қуйидагиларни:

таклифлар қабул қилинадиган муддатларни;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини;

таклифларни баҳолаш мезонларини;

таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди.

140. Тендер ҳужжатлари лойиҳаси унда белгиланган талаблар билан бирга муҳокамага қўйилади.

141. Тендер комиссияси томонидан тендер ҳужжатлари лойиҳаси маъқулланган ҳолда тендер ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

142. Тендер ҳужжатлари маъқулланмаган ҳолларда у қайта ишлаш учун қайтариб юборилиши ёки тендер комиссияси мажлисида қайта ишланиши мумкин.

143. Маъқулланган тендер ҳужжатларини буюртмачи ўзининг муҳри ва имзоси билан тасдиқлайди.

144. Тасдиқланган тендер ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида ўттиз кун олдин ва кўпи билан қирқ беш кун олдин порталга буюртмачи томонидан жойлаштирилади.

145. Тендер ўтказишни амалга ошириш ҳақидаги эълон қўшимча равишда буюртмачининг расмий веб-сайтида ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилиши мумкин.

146. Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши мумкин.

147. Тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

148. Тендер ҳужжатига ўзгартириш таклифлар бериш муддати тугаётган-

да киритилган тақдирда тендер, тендер ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан ўн кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилиши лозим. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

149. Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

150. Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан таклифлар бериш муддати узайтирилиши ёки тендер иштирокчиларига таклифлар қабул қилиниши муддати тендер комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

151. Тендер ҳужжатларида буюртмачи ҳар бир товарни (ишни, хизматни) харид қилишда алоҳида лот сифатида эълон қилиши мумкин. Бу ҳолатда буюртмачи товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир лот учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин.

4-§. Тендерда иштирок этиш учун таклиф бериш тартиби

152. Порталда эълон қилинган тендер иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

153. Тендер иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

154. Тендер иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга муҳрланган конвертларда (конвертнинг елимланган жойига иштирокчининг муҳри босилади) тақдим этилади, унда:

алоҳида муҳрланган ички конвертда техник таклиф (шу жумладан, техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар);

алоҳида муҳрланган ички конвертда таклифнинг нархга оид қисми бўлиши керак.

155. Таклифлар солинган конверт рўйхатга олиш китобида топширувчи ва қабул қилувчи шахс имзоси остида, қабул қилинган сана ва вақти, конвертлар сонини қайд этиш йўли билан тендерни ташкиллаштириш ва ўтказишга масъул шахсга тақдим этилади. Рўйхатга олиш китоби ип билан тикилган, рақамланган ва муҳрланган бўлиши керак.

156. Таклиф билан бирга харид объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

157. Тендер иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

158. Тендер иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

159. Тендер иштирокчиси таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

160. Тендерга таклифларни қабул қилиш порталда чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

161. Тендер иштирокчиси тендер ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда буюртмачига тендер ҳужжатлари қодаларига доир тушунтиришлар бериш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида буюртмачи, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, тендер ҳужжатлари қодаларига доир тушунтиришларни белгиланган шаклда юбориши шарт.

162. Буюртмачи томонидан тендер ўтказиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгиланган тақдирда, таклифлар юборилгунига қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровга дарҳол жавоб беради.

163. Тендерда, қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллариининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

5-§. Тендер натижаларини сарҳисоб қилиш

164. Агар таклифлар бериш муддати тугаган вақтда харид комиссияси тендер иштирокчиларидан тендер ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олган бўлса, тендер ўтказилган деб топилади.

165. Тендерда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда тендер ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи тендер ҳужжатидаги шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

166. Тендер ҳужжатларининг шартлари ўзгартирилмасдан такроран тендер ўтказилганда, такроран тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон таклифлар қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида йигирма кун олдин буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади.

167. Товарга (ишга, хизматга) нисбатан баҳолаш шартлари, мезонлари ва талабларни ўзгартириш зарурати пайдо бўлганда тендер комиссияси томонидан асослар келтирган ҳолда тегишли қарор қабул қилади.

6-§. Тендер иштирокчиларининг таклифларини очиш, кўриб чиқиш ва баҳолаш

168. Тендер иштирокчиларининг таклифлари мавжуд бўлган конвертларини очиш тендер комиссияси мажлисида икки босқичда амалга оширилади.

169. Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан олтмиш кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

170. Эълонда тендерни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда тендер комиссияси тендер иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни уларни баҳолаш учун навбатма-навбат очади. Тендер иштирокчисининг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида ҳозир бўлишга ҳақли.

171. Агар таклифни киритган тендер иштирокчиси ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёки тендер иштирокчисининг таклифи тендер ҳужжатлари талабларига мос келмаса, тендер комиссияси таклифни рад этади.

172. Тендер таклифлари солинган конвертларни очиш жараёни буюртмачи томонидан видеоёзувга туширилади. Конвертларни очиш давомида иштирокчилар тақдим этган барча ҳужжатлар ва тижорат таклифининг нархи ўқиб эшиттирилади.

173. Тендер комиссияси таклифларни кўриш натижасида уларнинг ҳамма таклифлари рад этилганда ёки таклифлардан фақат бири талабга мувофиқ киритилган тақдирда тендер ўтказилмаган деб топилади.

174. Тендер комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни тендер ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида тендер ғолибини аниқлаш учун амалга оширади.

175. Тендер ҳужжатларини баҳолаш мақсадида тендер комиссияси комиссия аъзолари ва экспертлардан иборат бўлган баҳоловчи гуруҳ тузишга ҳақли.

176. Агар таклиф Қонуннинг ва тендер ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

177. Тендер таклифларни баҳолаш вақтида тендер комиссияси тендер иштирокчиларидан уларнинг тендер таклифлари бўйича қўшимча тушунтириш беришларини сўрашлари мумкин. Ушбу жараён тендер ташкилотчилари орқали ёзма равишда расмийлаштирилади. Тушунтириш бериш жараёнида берилган таклиф ва нарх бўйича ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

178. Тендер таклифлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган муддатда ўз кучида қолади.

179. Биринчи босқичда иштирокчиларнинг техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларига оид маълумотлар ва техник таклифлар жойлаштирилган конверт очилади.

180. Тендер комиссияси томонидан иштирокчиларнинг техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларга оид маълумотлари ўрга-

нилади ва техник қисми баҳоланади. Тендер комиссиясининг тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг биринчи босқичи голиблари аниқланади. Тендер иштирокчисининг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида ҳозир бўлишга ҳақли.

181. Тендернинг биринчи босқичи голиблари тендернинг иккинчи босқичида қўйилади.

182. Тендернинг иккинчи босқичида таклифнинг нархга оид қисми очилади ва баҳоланади. Тендер комиссиясининг тендер таклифининг нархга оид қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг иккинчи босқичи голиби аниқланади. Тендер иштирокчисининг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида иштирок этишга ҳақли.

183. Тендер ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган тендер иштирокчиси голиб деб топилади.

184. Тендер комиссияси томонидан иштирокчи ва резервдаги иштирокчи аниқланади еки тендер ўтказилмаган деб топилади.

185. Агар тендер ҳужжатларида тендернинг ҳар бир товари (иши, хизмати) тендернинг алоҳида лоти сифатида кўриб чиқилиши назарда тутилган бўлса, тендер комиссияси голибни тендернинг ҳар бир лоти бўйича аниқлайди.

186. Голиб овоз бериш натижасида аниқланади. Тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Тендер комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

187. Тендер комиссиясининг умумий сонидан келиб чиқиб кўпчиликнинг овози билан қарор қабул қилинади.

188. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси тендер комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида порталда эълон қилинади.

189. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

тендер таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

таклифлари кўриб чиқилган тендер иштирокчилари тўғрисидаги;

таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган тендер иштирокчилари ҳақидаги;

тендер голиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

тендер голибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), турган жойи (почта манзили).

190. Тендернинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

191. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида тендер иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7-§. Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

192. Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда тендерни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Тендер бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.

193. Буюртмачи тендер бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан тендер буюртмачининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида бекор қилинган ҳоллар мустасно.

194. Буюртмачи ўтказилган харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида бир иш куни ичида қарор қабул қилади.

195. Ғолиб бўлган таклифнинг акцепти қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин, агар:

давлат харидлари бекор қилинмаган бўлса;

ғолиб бўлган таклифни юборган иштирокчи четлатилмаган бўлса;

тендер қилиш тартиб-таомили бузилмаган бўлса.

196. Тендер натижалари бўйича шартнома тендер ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмасдан тузилади.

197. Тендер натижалари тўғрисидаги ахборот порталда эълон қилинади ва шартномалар реестрига киритилади.

198. Тендер ғолиби тендер шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочисига ўтади ва тендер ғолибига таъминот қайтариб берилмайди. Бунда захира ижрочисининг таклифи бўйича шартнома тузилиши ёки захира ижрочиси шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

199. Буюртмачи қуйидаги ҳолатлардан бири рўй берган тақдирда таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни дарҳол қайтаради ёки унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг

чақириб олиниши, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

200. Икки ёки ундан ортиқ буюртмачиларнинг харидлар режасига мувофиқ қўшма тендерлар ўтказилиши мумкин.

201. Қўшма тендерлар бир давлат дастури ёки лойиҳалар портфелида иштирок этаётган буюртмачилар доирасида шакллантирилиши шарт.

202. Тендер иштирокчилари тендер шартлари ва тендерни ўтказиш тартиб-таомиллари бузилган ҳолатларда тендер натижалари устидан белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

203. Тендер комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

204. Тендер комиссиясининг ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлари Қонуннинг 19-моддасига асосан барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

5-боб. Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари

1-§. Ягона етказиб берувчи билан шартнома тузиш асослари

205. Қонуннинг 67-моддаси иккинчи қисмига асосан ягона етказиб берувчи билан давлат харидлари қуйидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилади:

бозорда муқобиллари бўлмаган ва фақат ягона етказиб берувчидан харид қилиш мумкин бўлган техник жиҳатдан мураккаб товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

маданий қимматликларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосидаги давлат харидлари;

табiiй монополия субъекти товарларининг (ишларининг, хизматларининг) давлат хариди;

ўз ваколатларига мувофиқ фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг тасарруфидаги давлат муассасалари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши мумкин бўлган ишларга ёки кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларга эҳтиёж пайдо бўлиши;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича давлат хариди.

Ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда ягона етказиб берувчи билан давлат харидларини амалга оширишнинг бошқа ҳоллари ҳам белгиланиши мумкин.

2-§. Ягона етказиб берувчилар билан шартнома тузиш

206. Ягона етказиб берувчилардан харидни амалга ошириш учун буюрт-

мачилар ягона етказиб берувчилар реестридан (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) фойдаланади.

207. Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, у ва буюртмачи ўртасида порталда рўйхатга олинмиши лозим бўлган тўғридан-тўғри шартнома тузилади.

208. Тўғридан-тўғри шартнома қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ёзма шаклда тузилади ва унда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

шартнома предмети;
товарлар (ишлар, хизматлар) сони, сифати, ассортименти;
етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархи;
товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш муддати;
ҳисоб-китоб тартиби;
томонларнинг мажбуриятлари;
шартномавий мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;
низоларни ҳал этиш тартиби;
томонларнинг реквизитлари;
шартнома тузилган сана ва жой;
харидлар тўғрисидаги шартномалар учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган ёки томонлардан бирининг аризасига мувофиқ келишувга эришилиши лозим бўлган бошқа муҳим шартлар.

209. Ягона етказиб берувчи билан амалга оширилган харид натижасида тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумот шартнома тузилган кундан уч кунлик муддатдан кечиктирмасдан порталга жойлаштирилиши лозим.

3-§. Ягона етказиб берувчилар реестрини юритиш

210. Реестр, қоғоз ва электрон шаклда ягона етказиб берувчилар ва уларнинг давлат харидлари учун рухсат этилган товарлари (ишлари, хизматлари) ҳақидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ахборот ресурси ҳисобланиб, унда ягона етказиб берувчи ҳақидаги маълумотлар йиғилади, сақланади, қайта ишланади.

211. Реестрда контрагент мавжуд бўлмаса, буюртмачи тўғридан-тўғри шартномани тузишга ҳақли эмас.

212. Реестрни юритиш оператор томонидан ваколатли орган билан келишилган ҳолда ахборот ресурсига ягона етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотларни киритиш, ушбу маълумотларни янгилаш, ягона буюртмачи ҳақидаги маълумотларни реестрдан чиқариш йўли билан амалга оширилади.

213. Реестр оператор томонидан порталга жойлаштирилади ва ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкин.

214. Реестрга ягона етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотларни киритиш учун оператор қуйидаги маълумотлардан фойдаланади:

табiiй монополия субъектларининг давлат реестри;
ваколат доирасида фақат шу органлар ёки уларнинг тасарруфидаги давлат муассасалари ва ташкилотлари томонидан бажариладиган ишлар ёки хизматларни кўрсатадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳақидаги маълумотлар;

тарифлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган товарлар (ишлар, хизматларнинг) тарифлари ҳақида маълумотлар;

ваколатли орган томонидан тақдим этилган маълумотлар.

215. Оператор ягона етказиб берувчилар ҳақида ваколатли орган томонидан юборилган ҳамда мазкур Низом 217-банди 2 — 4-хатбошиларидаги келишилган маълумотларни бир иш куни мобайнида Реестрга киритади.

216. Ваколатли орган операторга Реестрга ягона етказиб берувчилар сифатида киритиш учун юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиб боради.

217. Ваколатли орган таҳлил ўтказиш ва тегишли маълумотларни йиғиш орқали қуйидагиларни аниқлайди:

бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) хўжалик юритувчи субъектларни;

тегишли бозорда муқобиллари бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган монополист-корхоналарни;

тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган маданий қимматликларнинг эгаларини, шунингдек, ушбу қимматликларни давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун зарурлигини.

218. Мазкур Низомнинг 217-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар Реестрга ягона етказиб берувчи сифатида киритиш ҳақидаги ариза билан ваколатли органга мурожаат этишлари мумкин.

219. Реестрга ягона етказиб берувчи сифатида киритиш ҳақидаги аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

хўжалик юритувчи субъект ҳақида — юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг санаси ва рўйхатга олиш рақами, жисмоний шахс ҳақида — шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги тегишли маълумотлар;

номи, техник хусусиятлари, нархи кўрсатилган ишлаб чиқарилаётган (етказиб берилаётган) бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида маълумот;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда, хўжалик юритувчи субъектнинг Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрида мавжудлиги ҳақида;

маданий қимматликларнинг тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамияти ҳақида;

конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда мавжуд бўлган лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатлар ҳақида;

бошқа маълумотлар.

220. Ваколатли орган қўйидаги асослар бўйича Реестрга киритиш ҳақидаги аризани рад этиши мумкин:

мазкур Низомнинг 221-бандида назарда тутилган ҳужжатларни (маълумотларни, ахборотларни) тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этиш;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ва бузилган маълумотлар аниқланганлиги;

ҳужжатлар аризачининг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилган бўлса.

221. Ваколатли орган, зарур ҳолларда:

а) бозорда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муқобили мавжудлигини аниқлаш учун Марказга:

бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги маълумотларни;

тегишли бозорда муқобиллари бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган монополист-корхоналар ҳақидаги маълумотларни;

б) ваколатли давлат органлари, ихтисослашган ташкилотлар ёхуд экспертларга маданий қимматликларнинг тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамиятга эгаллигини, шунингдек ушбу қимматликларни давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун зарурлигини аниқлаш учун маданий қимматликларнинг эгалари ҳақидаги маълумотларни юборади.

222. Марказ уч иш куни мобайнида ресурсларнинг ягона миллий маълумотномасидаги маълумотлар асосида, зарур бўлганда эса — бошқа очиқ манбалардаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тақдим этилган товарни (ишни, хизматни) бозорда муқобили мавжуд эмаслиги ҳақидаги ахборотни тақдим этади.

223. Ваколатли орган Марказ, ваколатли давлат органлари, ихтисослашган ташкилотлар ёхуд экспертлар томонидан тақдим этилган ахборот асосида Реестрга киритиш ҳақидаги аризани қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

224. Ариза қаноатлантирилган тақдирда ваколатли орган хўжалик юритувчи субъектни ёки маданий қимматликларнинг эгасини ягона етказиб берувчи сифатида Реестрга киритиш учун операторга юборади.

225. Марказ ҳар бир чоракнинг якунлари бўйича бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарларга (ишларга, хизматларга) ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар) мавжудлиги юзасидан таҳлил ўтказади.

226. Агар таҳлил натижалари бўйича аввал бозорда муқобили бўлмаган деб топилган товарларга (ишларга, хизматларга) ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар) аниқланса, Марказ тегишли ахборотни ваколатли органга тақдим этади.

227. Ваколатли орган Марказдан ахборотни олган пайтдан бошлаб бир кунлик муддат ичида Операторга хўжалик юритувчи субъектни Реестрдан чиқариш лозимлиги ҳақида хабар юборади.

228. Оператор ваколатли органдан хабарномани олгандан сўнг хўжалик юритувчи субъектни Реестрдан чиқаради.

229. Реестрга ўзгартириш киритиш учун қуйидагилар асос бўлади:
табiiй монополия субъектини Табiiй монополия субъектларининг давлат реестридан чиқарилиши;

хўжалик юритувчи субъект Товар ёки молия бозорида устун мавқега эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестридан чиқарилиши;

ваколатли органнинг хўжалик юритувчи субъектни Реестрдан чиқариш ҳақидаги хабарномаси;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ваколат доирасида фақат шу органлар ёки уларнинг тасарруфидаги давлат муассасалари ва ташкилотлари томонидан ишлар бажаришни ёки хизматлар кўрсатилишининг тўхтатилиши;

суднинг қонуний кучга кирган хўжалик юритувчи субъектни банкрот деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори;
қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳолатлар.

6-боб. Буюртмачилар билан тузилган шартномалар реестри

230. Шартномалар реестри оператор томонидан порталдан фойдаланган ҳолда юритилади.

231. Шартномалар реестри электрон дўкон, аукцион, танлов, тендер натижалари ва ягона етказиб берувчидан амалга оширилган харидлар якунлари бўйича шакллантирилади.

232. Электрон дўкон ва аукционда тузилган шартномалар порталда рўйхатга олинганидан сўнг автоматик режимда шартномалар реестрига киритилади.

233. Буюртмачи томонидан танлов, тендер, ягона етказиб берувчидан харид амалга оширилиши, шунингдек бошқа тўғридан-тўғри харидлар натижасида тузилган шартномалар ҳақидаги маълумотлар портал томонидан автоматик режимда ахборот шакллантирилади ва шартномалар реестрига киритилади.

234. Шартномалар реестрига Қонуннинг 41-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар киритилади.

235. Шартномалар реестридаги ахборот тўлов ундирилмаган ҳолда танишиб чиқиш учун очиқ бўлиши керак.

236. Қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот шартномалар реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар учун ҳақ тўланмайди.

7-боб. Яқуний қоидалар

237. Давлат харидларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш ва шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

238. Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча келишув унинг муҳим шартларини ўзгартирмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин.

239. Буюртмачи томонидан харид қилиш тартиб-таомилига оид барча ҳужжатлар, видеоёзувлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

240. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

241. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 14 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

459 «Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2451-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ўРҚ-454-сон «Солиқ ва бюджет сиеъатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПК-3107-сон «Нефтьгаз соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 12 мартдаги 26, 25 ва 2013-12-сон «Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2451, 2013 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 214-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
81-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 майда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
2018-38-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил
19 апрелдаги 81, 12 ва 2018-38-сон қарорига
ИЛОВА

**«Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз»
МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи ва 1-банддаги «МХКнинг» қисқартмаси «АЖнинг» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 587-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) номидаги «МХКнинг» қисқартмаси «АЖнинг» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори 4-бандига мувофиқ махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг махсус счётига ўтказиш тартибини белгилайди.»;

в) 3-бандда:

иккинчи хатбошидан «(Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «МХК» қисқартмаси «АЖ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидан «транспорт воситалари учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 5, 6 ва 9-бандлардаги «МХК» қисқартмаси «АЖ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан келишилган.

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқаруви раиси*

А. СУЛТАНОВ

2018 йил 19 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

460 «Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2327-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ–3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 февралдаги 106-сон «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 20 январдаги 4 ва 2012-1-сон «Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2327, 2012 йил 16 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 7-сон, 74-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 майда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 май,
94-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 май,
2018-46-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

461 Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт
вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт-
ни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чи-
қиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3017*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 июндан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 май,
95-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 май,
2018-36-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги
95, 2018-36-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт
вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни
ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб
чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига (бундан буён матнда жамғарма деб юритилади) йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Йиғимлар пиво, ароқ ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар (бундан буён матнда йиғим тўловчилар деб юритилади) учун татбиқ этилади.

2. Йиғимлар 2018 йил 1 июндан бошлаб бюджет таснифининг тегишли кодлари асосида очилган даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлар орқали Жамғармага тўланади.

2-боб. Йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш

3. Йиғимлар объекти Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 232-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда аниқланадиган пиво, ароқ ҳамда тамаки маҳсулотларининг сотиш ҳажми ҳисобланади.

4. Йиғимлар миқдори қуйидагича белгиланади:

1 дал сотилган пиво ҳажмидан — 2000 сўм;

1 дал сотилган ароқ ҳажмидан — 5000 сўм;

1 минг дона сотилган сигарет — 1000 сўм.

5. Йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ аниқланадиган ҳажмдан ва белгиланган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ ҳисобланган йиғимлар ҳар ой яқунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар йиғим тўловчилари томонидан Жамғармага тўланади.

7. Йиғим тўловчилар томонидан Жамғармага тўланадиган йиғимлар бўйича ҳисоб-китоб Солиқ кодексининг 239-моддасида белгиланган муддатларда ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

3-боб. Йиғимлар ҳисоби ва мониторингини амалга ошириш

8. Йиғимлар суммалари йиғим тўловчиларнинг ҳисобварақ-фактураларида акс эттирилмайди ҳамда йиғим тўловчиларнинг харажатларига олиб борилади.

9. Мазкур йиғимлар фойда солиғи солиқ солинадиган базани аниқлашда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чегирилади.

10. Ушбу Низомга мувофиқ келиб тушган йиғимларнинг ҳисоби Жамғарма томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Давлат солиқ хизмати органлари Жамғармага йиғимлар тушуми ҳисобини йиғим тўловчининг шахсий карточкасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларини акс эттириш орқали юритади.

12. Давлат солиқ хизмати органлари йиғим тўловчилар томонидан йиғимларни ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида ўтказишлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мониторингни амалга оширади.

13. Мазкур Низомга мувофиқ ҳисобланган йиғимлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, йиғимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

4-боб. Яқуний қоидалар

14. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

15. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт

вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Жисмоний тарбия
ва спорт вазирлиги**

2018 йил 8 май

Ш. ИСРОИЛОВ

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

2018 йил 8 май

А. ИКРАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Хужжат тури / Давр ой Календарь йил

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — аниқлаштирувчи (каср орқали аниқлаштирув рақами)

Алкоголли маҳсулотлар бўйича	
пиво бўйича	
сигареталар бўйича	
(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)	

**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига
тўланадиган йиғимлар бўйича
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Йиғим тўланадиган товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Йиғимни ҳисоблаш учун йиғим солинадиган база	Йиғим миқдори	Ҳисобланган йиғим суммаси (уст. 4 х уст. 5)
1	2	3	4	5	6

Раҳбар

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

462 «Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1634-1

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 1 августдаги ЭГ-01/10-4091, 3, 70 ва 01-02/12-11-сон «Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1634, 2006 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 435-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 июндан кучга киради.

Ташқи савдо вазири

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 май,
2018/16-03-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 май,
17-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 май,
98-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 май,
01-02/12-40-сон

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУҒИ

463 «Электр билан иситиш мақсадида электр энергияси-
дан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган
деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1775-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 30 январдаги 10-сон «Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1775, 2008 йил 29 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 8-9-сон, 53-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ «Ўзбекэнерго» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2018 йил 1 июндан кучга киради.

Бошлиқ

Д. ИСАКУЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 май,
6-сон

Келишилган:

**«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқарув раиси**

У. МУСТАФОЕВ

2018 йил 21 май

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 24 май

Қурилиш вазири

А. ТУХТАЕВ

2018 йил 28 май

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2018 йил 21 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ
ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

465 Табiiй газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3018*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табiiй газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Табiiй газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Н. АГЗАМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 май,
5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон
нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни
назорат қилиш давлат инспекцияси
бошлиғининг 2018 йил 21 майдаги
5-сон буйруғига
ИЛОВА

**Табиий газ етказиб бериш, транспортировка қилиш,
тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш
тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сонли «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишда табиий газ сарфи ва йўқотишларни ҳисоблашнинг асосий усулларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома табиий газни магистрал газ транспорт тизими орқали транспортировка қилишдаги эҳтиёж ва технологик йўқотишлар ҳамда табиий газ етказиб бериш, тақсимлаш ва сотишдаги эҳтиёж ва технологик йўқотишларга сарфланадиган газ сарфини ҳисоблашни белгилайди.

2. Газдан оқилона фойдаланиш мақсадида, ўз эҳтиёжлари, технологик эҳтиёжлар ва йўқотишларга газ сарфини режалаштиришда, газни ҳисобга олиш приборлари йўқлиги ёки носозлигида ҳамда газ сарфи бўйича ҳисоботларни юритишда ушбу ҳужжатни қўллаш мажбурийдир.

2-боб. Асосий тушунчалар

магистрал газ қувури (МГК) — лупинглар, отводлар, компрессор

ва газни тақсимлаш станцияларидан иборат, газни ташиш ва истеъмолчиларга етказиш учун мўлжалланган газ қузури.

компрессор станцияси (КС) — магистрал газ қузурунинг газни сиқиш (компресслаш) учун мўлжалланган иншоотлари мажмуаси.

компрессор цехи (КЦ) — магистрал газ қузури орқали газни режалаштирилган ҳажмда босим остида етказиб берилишини таъминлаш мақсадида газни тортиб чиқарувчи агрегатларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган цех.

газни тақсимлаш станцияси (ГТС) — магистрал газ қузурунинг истеъмолчига етказиб беришдан аввал газ босимини пасайтириш, тозалаш, одоризациялаш ва ҳисобга олиш учун мўлжалланган иншоотлар мажмуаси.

ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар — газ қузуруларидан фойдаланиш режими ва усқунанинг техник кўрсаткичлари билан белгиланадиган, газни ташишда технологик жараёнлар учун зарур табиий газнинг сарфланиши.

ёқилғи эҳтиёжлари учун газнинг сарфланиши — газни босим остида сиқиш (компресслаш) агрегатлари учун ёқилғи сифатида сарфланадиган табиий газ ҳажми.

газни технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши — магистрал газ қузуридан фойдаланишнинг зарур режимини таъминлаш бўйича бошқа технологик операцияларни ўтказиш учун зарур бўлган табиий газ ҳажми.

газ технологик йўқотишлари — газ ташишнинг белгиланган схемаси ва технологияси билан боғлиқ бўлган ҳамда технология мукамаллик даражаси, асбоб-усқуна аҳволи ва газ сарфини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ўтказилиши билан белгиланадиган табиий газнинг муқаррар йўқотиши.

газни еростида сақлаш омборлари (ГЕСО) — табиий газни ер остида сақлаш учун мўлжалланган табиий жойлар.

ёқилғи газ сарфланишининг индивидуал меъёри — конкрет русумдаги усқуна учун амалдаги иш режимларига нисбатан табиий газнинг энг юқори истеъмол қилинишини тавсифловчи, илмий ва техник асослантирилган табиий газни сарфлаш меъёри кўрсаткичи.

продувка (сиқилган газ оқими билан тозалаш) учун газ сарфланиши индивидуал меъёри — босим фарқи 0,98 МПа ва ўртача мутлак ҳарорат ва босим шароитида, диаметри 1400 мм дан ортиқ бўлмаган газ қузурунинг бир километрини продувка қилиш учун газнинг энг юқори сарфланишини ҳисобга оладиган, илмий ва техник асослантирилган газни сарфлаш меъёри.

газ баланси — газ манбаларини ҳамда газнинг магистрал газ қузурулари тизимлари доирасида етказиб бериш бошланиш нуқтасидан ташишнинг энг якуний нуқтасига қадар газ ҳаракатланишини кўрсатадиган газ ташиш йўналишларини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.

трубопроводлар тизимида газ қолдиқлари ўзгариши — трубопроводлар тизимида ҳисоб-китоб ойининг боши ва охири учун газ захиралари кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут.

ҳисоб-китоб оyi — йилнинг газни етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилиши ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар, унинг тузилмалари хўжалик фаолияти (товар-транспорт иши, газни ўз эҳтиёжларига сарфлаш ва ҳ. к.) баҳоланиши, шунингдек етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида етказиб берилган газ учун ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилиши шарт бўлган оyi.

газ таъминоти ташкилоти — 1,2 МРа гача босимдаги газ тармоқларининг эгаси.

ташкilot — табиий газни магистрал газ транспорт тармоқлари ҳамда босими 1,2 МРа гача бўлган газ тармоқлари тизимига хизмат кўрсатувчи ташкilot.

газ таъминоти тизими — газ таъминоти тармоқларидаги барча газ тармоқлари, ўлчов узеллари, беркитувчи-созловчи зулфинлар ва бошқа қурилмалар.

ўлчов узели — газнинг миқдорини ҳисобга олиш, ҳамда унинг кўрсаткичларини назорат қилиш ва қайд этишни таъминловчи ўлчаш воситалари ва мосламалар мажмуаси.

мосламалар (арматура) — газ қувурлари, резервуарлар, аппаратлар, асбобларга ўрнатилган ва ишчи муҳитнинг оқимларини бошқариш учун мўлжалланган турли хил мосламалар.

газ тартиблaш пункти (ГТП) ва газни тартиблaш қурилмаси (ГТҚ) — газнинг босимини пасайтириш ва уни газ тақсимлаш тармоқларида белгиланган даражада ушлаб туриш учун мўлжалланган технологик қурилмалар.

сақлагич-беркитиш клапани (СБК) — соzланган босим меъеридан ўзгарганда, газ берилишини тўхтатишни таъминловчи мослама.

сақлагич-ташлaш клапани (СТК) — тармоқдаги соzланган газ босимини ҳаддан ортиқ кўтарилиб кетишидан ҳимоялашни таъминловчи мослама.

етказувчи газ қувури — кириш газ қувуридан олдин, узиб қўйиш мосламасигача ёки ер остидан бинога олиб киришда ҳимоя филофигача, бинодан ташқарида ётқизилган ер ости ва ер устида жойлашган газ қувури.

газ билан тозалаш (продувка) — технологик коммуникациялар, газ қувурлари ва ундаги қурилмаларни ишга тушириш, соzлаш ва ишлатишда, газни ташқарига чиқариш свечаси орқали атмосферага чиқариш билан бажариладиган, доимий босим остидаги табиий газ билан тозалаш технологик жараёни.

ташлaш мосламаси (свеча) — газни атмосферага тартибли чиқариб ташлашни амалга ошириш учун хизмат қилувчи, каллакли вертикал қувур кўринишидаги техник мослама.

табиий газни чиқариб ташлaш — сизим ускуналари, технологик коммуникациялар, газ қувурлари қисмларини ускунани тўхтатиш ёки газ қувурининг қисмини узиб қўйишда, газни ташлaш мосламаси «свеча» орқали атмосферага бирданига ташлaш билан борадиган, газдан бўшатиш технологик жараёни.

ишлатиш эҳтиёжларига газнинг сарфи — ишлатувчи ташкilotга

тегишли бўлган бинолар ва технологик газ ускуналари ўрнатилган иморатларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва бошқа (лаборатория, стенд, механик-таъмирлаш устaxonаси ва пўлатни кесиш ва ишлаш)ларга сарфланадиган газнинг ҳажми.

технологик эҳтиёжларга газнинг сарфи — газ тақсимлаш тармоғи объектларини талаб этилган иш режимини бир маромда ушлаб туриш бўйича мажбурий технологик (таъмирлаш-тиклаш, созлаш-ишга тушириш ва профилактика) ишларни олиб боришда сарфланадиган газнинг ҳажми.

авария ҳолатларида газнинг йўқотишлари — газ қувурлари, уй ичидаги газ қувурлари ва ускуналарнинг шикастланишида (коррозия натижасида ҳосил бўлган тирқишлар, узилишлар, тешиқлар орқали) шунингдек, газ таъминоти тизимидаги техник қурилма ва уланмаларда об-ҳавонинг кескин таъсирида фойдаланиш жараёни бузилиши билан боғлиқ газ қурилмаларининг ишдан чиқиши ёки бузилиши натижасида газнинг меъёрлаб бўлмайдиган йўқотишлари.

газнинг мавҳум йўқотиши — алоҳида танланган давр оралиғида охирги истеъмолчида ўрнатилган ўлчов ускунасининг конструктив хатолиги оқибатида, тармоқ оператори ўлчов ускунасининг хатолиги, газ таркиби ўзгариш ҳолатидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаслик, ГТПнинг сақловчи-ташлаш клапанлари ишга тушиши, микро ёриқлар ва бошқа юзага келган йўқотишларни газ тақсимлаш тармоқларининг аниқ ҳудудларида ўтказилган мониторинглари натижасида аниқланадиган, аввалги ҳисоб-китобларда аниқланмаган газ ҳажми.

ҳисобот даври — етказиб берилган газ учун, етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилиши лозим бўлган йилнинг ойи.

Мазкур ҳужжатда фойдаланилган қисқартмалар Ўўриқноманинг 1-иловасида* келтирилган.

3-боб. Магистрал газ транспортида ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишларга табиий газ сарфини ҳисоблаш (босими 1,2 МРа дан юқори)

3. Магистрал газ ташишнинг ўз эҳтиёжлари учун газ сарфланиши асосий йўналишлари:

газни ёқилғи эҳтиёжлари учун сарфлаш;

газни технологик эҳтиёжлар учун сарфлаш.

4. Магистрал газ ташишнинг ўз эҳтиёжлари ҳамда технологик йўқотишлари учун газ сарфланиши қисмлари Ўўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган.

5. Табиий газни ўз эҳтиёжлари учун сарфлашнинг алоҳида йўналишлари бўйича индивидуал меъёрларини аниқлаш ҳисоблаш-тахлил услуги, ҳисоблаш-статистик услуги ва охирги уч йил учун ҳисобот маълумотларига асос-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланиб, ускунанинг паспорт кўрсаткичлари ва турли фойдаланиш шароитларида ҳақиқий газ сарфланиши тажриба-статистик маълумотларидан (Йўриқноманинг 3-иловасидаги 1 — 8-жадваллар) фойдаланилади.

6. Ёқилғи ва технологик эҳтиёжлар учун газ сарфини ҳисоблаш 3-иловага* мувофиқ амалга оширилади.

7. Газнинг технологик йўқотишини ҳисоблаш Йўриқноманинг 5-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

8. Чангтутгичлар, фильтр-сепараторларни тозалашда ва газ қувурларидан поршен ўтказилишида тўкилган суюқлик ҳажмини ҳисоблаш Йўриқноманинг 7-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

9. Ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишларга газ сарфини режалаштириш ва ҳисобини юритиш Йўриқноманинг 8-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Магистрал газ қувурларида газ балансини тузиш

10. Магистрал газ қувурлари тизимлари доирасида табиий газнинг етказиб берилиши ва тақсимланиши солиштирма балансини шакллантириш, «Ўзтрансгаз» АЖ таркибига қирадиган таркибий тузилмалар ахборот базаси негизида яратилади.

11. Магистрал газ қувурлари тизимлари орқали табиий газнинг етказиб берилиши ва тақсимланиши солиштирма баланси бевосита бўйсунуви остидаги ташкилотларнинг, шунингдек, ер остида сақлаш станциялари бўйича газнинг етказиб берилиши ва тақсимланиши баланслари асосида тузилади.

Газ транспорт тизимида газ балансининг математик тенгламаси:

$$Q_{п} + Q_{гесо}^{от} + Q_{ост}^н = Q_{р} + Q_{гесо}^з + Q_{ост}^к + Q_{сн} + (Q_{тп} \pm Q_{рас}) \quad (58) \text{ бунда,}$$

$Q_{п}$ — тузилган етказиб бериш шартномаларига мувофиқ ГТСга келиб тушган газ ҳажми, 1×10^3 ;

$Q_{гесо}^{от}$ — ҳисобот ойида ГЕСО дан олиб қўйилган газ ҳажми, 1×10^3 ;

$Q_{ост}^н$ — ҳисобот ойи бошида ГТСда қолган газ ҳажми, 1×10^3 ;

$Q_{р}$ — истеъмолчиларга, шу жумладан экспортга етказиб берилган газ ҳажми, 1×10^3 ;

$Q_{гесо}^з$ — ГЕСОга босим остида киритилган газ ҳажми, 1×10^3 ;

$Q_{ост}^к$ — ГТСда ҳисобот ойи охирида қолган газ ҳажми, 1×10^3 ;

$Q_{сн}$ — ўз эҳтиёжлари;

$Q_{тп}$ — технологик йўқотишлар;

$Q_{рас}$ — ҳисоботдаги нуқсонлар ҳисобидан баланснинг даромад ва харажат қисми ўртасидаги тафовут.

12. Ўз технологик эҳтиёжлари учун сарфланган, ҳисоб-китоб асбоблари ва мазкур тартибга мувофиқ аниқланадиган газ ҳажми, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

* 3 — 8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

$$Q_{\text{сн}} = Q_{\text{тгн}} + Q_{\text{пгн}}, \quad (59) \text{ бунда,}$$

$Q_{\text{тгн}}$ — ёқилғи технологик эҳтиёжларга сарфланган газ ҳажми, м^3 ;

$Q_{\text{пгн}}$ — бошқа технологик эҳтиёжларга сарфланган газ ҳажми, м^3

13. Балансинг кирим ва чиқим қисми ўртасидаги тафовут йўл қўйилиши мумкин бўлган 1,5% хатолик даражасидан ортиб кетиши мумкин эмас.

14. Агар тафовут 13-бандда кўрсатиб ўтилган йўл қўйиш мумкин бўлган хатолик даражасидан ошмаса, газ етишмовчилиги тузилманинг шу даврдagi сарф-харажатларига ўтади.

15. Агар тафовут йўл қўйиш мумкин бўлган нуқсон даражасидан ортиб кетса, газ етишмовчилиги айбдор шахслар зиммасига юкланади.

Агар айбдор шахслар аниқланмаса ёки суд зарарни уларнинг ҳисобидан ундиришни рад этса, газ етишмовчилиги бўйича зарарлар ташкилотнинг молиявий натижалари ҳисобидан чиқарилади.

5-боб. Газ босими 1,2 МПа гача бўлган газ тармоқларидаги етказиб бериш, тақсимлаш ва сотишдаги газ йўқотишларни ҳисоблаш

1-§. Йўқотишларни ҳисоблашдаги асосий мезонлар

16. Газ қувурлари газ тақсимлаш тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Газ қувурлари, улардаги максимал ишчи босимга боғлиқ ҳолда, қуйидагиларга бўлинади:

паст босим остидаги ($0,05 \cdot 10^5$ Па гача ёки $0,05 \text{ kgf/cm}^2$ гача);

ўртача босим остидаги ($0,05 \cdot 10^5$ дан юқори $3,0 \cdot 10^5$ Па гача ёки $0,05 \text{ kgf/cm}^2$ дан юқори $3,0 \text{ kgf/cm}^2$ гача);

II категория юқори босим остидаги ($3,0 \cdot 10^5$ дан юқори $6,0 \cdot 10^5$ Па гача ёки $3,0 \text{ kgf/cm}^2$ дан юқори $6,0 \text{ kgf/cm}^2$ гача);

I категория юқори босим остидаги ($6,0 \cdot 10^5$ дан юқори $12,0 \cdot 10^5$ Па гача ёки $6,0 \text{ kgf/cm}^2$ дан юқори $12,0 \text{ kgf/cm}^2$ гача).

17. Газ қувурларининг асосий тавсифи, унинг материали (металл ёки полиэтилен) ишлатишдаги ишчи кўрсаткичлари (босим, температура, тезлик) газнинг маълум миқдорини ўтиши учун зарур бўлган, унинг ўтказиш қобилиятини белгиловчи қувурларнинг ички диаметри ҳисобланади.

18. Ҳар хил босим остидаги газ қувурлари, тармоқдаги газ босимини тартибга солиш учун хизмат қилувчи ГТП ва ГТҚ орқали ўзаро боғланади.

ГТП ва ГТҚларида филътр, сақлагич-беркитиш клапани (СБК), газ босими тартиблагичи, сақлагич-ташлаш клапани (СТК), беркитиш мослама (арматура)си, назорат ўлчаш асбоблари, зарур бўлганда газ сарфини ҳисобга олиш асбоблари ўрнатиш ҳамда айланма газ қувурлари (байпаслар) бўлиши кўзда тутилади.

Айланма газ қувури (байпас)да кетма-кет жойлашган икки беркитиш мосламасини ўрнатиш кўзда тутилади.

19. Ташкилот бўйича ишлатиш ва регламентга асосланган технологик

эҳтиёжлар ва йўқотишларга газнинг сарфи, Йўриқноманинг 9-илоvasидаги* 9.1-жадвалга мувофиқ расмийлаштирилади.

20. Сарфлар куйидагиларга бўлинади:

ўз эҳтиёжларига ишлатиш;

регламентга асосланган технологик эҳтиёжлар;

табiiй газни тақсимлаш ва етказиб беришдаги технологик йўқотишлар;

авария ҳолатларидаги йўқотишлар;

мавҳум газ йўқотишлар.

2-§. Табiiй газ тақсимлашдаги ташкилотнинг ўз эҳтиёжлари ва газ тармоқларидаги йўқотишларига табiiй газ сарфлари таркиби

21. Ўз эҳтиёжлари (маиший) ва фойдаланишдаги таъмирлаш-профилактика жараёнидаги газ сарфлари ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Ўз эҳтиёжлари (маиший) куйидаги сарфларни ўз ичига олади:

ташкiлотнинг бўлинмаларида (хизматлар, идоралар, бўлинмалар, бўлимлар, устахоналар, цехлар, лабораториялар ва бошқа) жойлашган биноларни иситиш;

ишчи ходимларга таом тайёрлашда (ташкiл этилган ишчилар ошхоналари).

Фойдаланиш эҳтиёжлари куйидагилардан иборат:

лабораториялар, стендлар, хоналар ва газ қувурларини изоляциялаш ишларини бажарувчи бўлинманинг эҳтиёжлари;

устахонанинг эҳтиёжлари;

металлни пайвандлаш ва кесиш бўлинмаларининг эҳтиёжлари;

печлар ва бошқа металлга ишлов бериш.

Газни ҳисобга олиш прибори йўқлиги (таъмирлаш, алмаштириш ёки қиёслашдан ўтказиш вақтида) ўз эҳтиёжлари (маиший) ва фойдаланишдаги (таъмирлаш-профилактика) газ сарфлари белгиланган меъёрларга асосан ҳисобланади.

22. Регламентга асосланган технологик эҳтиёжлар учун газнинг сарфлари таркибига куйидагилар киради:

сақлагич клапанларни соzлашда газни чиқариб ташлаш;

уй ичидаги газ ускуналарига хизмат кўрсатиш ва ишлатишда технологик эҳтиёжлар (фақат газни ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган ёки ишдан чиққан ҳолатда ҳисоблаш усули билан аниқланади);

газ қувурлари, БТМ, ГТПнинг боғловчи қувурлари ва ускуналарини ишга туширишда, уларни газ билан тозалаш ва тўлдириш;

профилактик ва таъмирлаш ишларини олиб боришда, газ қувурлари, БТМ, ГТПнинг боғловчи қувурлари ва ускуналаридан газни чиқариб ташлаш, уларни газ билан тозалаш ва тўлдириш;

* 9-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Регламентга асосланган технологик эҳтиёжлар сарфларининг таркиби ташкилот ишининг аниқ шароитларидан келиб чиқиб аниқланади.

Технологик эҳтиёжлар учун сарфланган газ сарфи мазкур Йўриқноманинг 10-илоvasида* белгиланган усулда ҳисоб-китоб орқали аниқланади.

23. Технологик йўқотишлар таркиби ўз ичига газ тармоқларининг ташқи экстремал об-ҳаво ҳарорати таъсири ва фойдаланиш параметрлари бузилиши билан боғлиқ технологик жараённинг белгиланган режимдан чекиниши натижасида газ тармоқларининг герметиклиги бузилиши билан боғлиқ йўқотишларни олади, булар:

тармоқдаги босим рухсат этилганидан ортиб кетганда, сақлагич ташлаш клапанлари орқали газни атмосферага чиқариб ташлаш;

газ қувурлари, ГТПнинг иншоотлари ва ускуналаридан, одатдаги шароитларда ишлатишда газ қувурларининг (фланецли ва резбали бирикмалар, салниклар) герметиклиги бузилиши билан боғлиқ бўлган газ йўқотишлари;

Технологик йўқотишларга сарфланган газ ҳажми уларнинг келиб чиқиш сабаблари бўйича белгиланган тартибда тузилган далолатнома асосида ҳисобдан чиқарилади.

Технологик йўқотишларда сарфланган газ ҳажмлари мазкур Йўриқноманинг 12 — 23-иловаларида* келтирилган ҳисоблаш усуллари орқали аниқланади.

24. Аварияларда газ йўқотишларга газ тармоқларидаги авариялар, уй ичи ва қурилмаларидаги коррозия ёки бошқа механик таъсирлар натижасида вужудга келган ёриқлар, узилишлар, носозликлар киради.

Авария натижасида йўқотилган газ ҳажми авария келиб чиқиш сабаби бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган далолатномалар асосида ҳисобдан чиқарилади.

Аварияда йўқотилган газ ҳажми мазкур Йўриқноманинг 24 — 26-иловаларида* келтирилган ҳисоб-китоб усуллари орқали аниқланади.

25. Газнинг мавҳум йўқотишларига қуйидагилар киради:

газ тармоқларининг алоҳида участкаларидаги ҳар хил ўлчов узеллари ва (ёки) приборларнинг аниқлик даражасидаги фарқ натижасида (газ миқдорини ўлчашдаги ноаниқликлар сабабли) юзага келган, ҳисобга олинмаган (йўқотилган) газ ҳажми;

газ тармоқларининг алоҳида участкаларига киришдаги ҳисоб узеллари ёки замонавий газни ҳисобга олиш приборлари билан тармоқдаги истеъмолчиларда ўрнатилган босим ва (ёки) ҳароратга нисбатан коррекция қилиш имконияти бўлмаган газни ҳисобга олиш приборлари орасидаги ҳисобга олинмаган (йўқотилган) газ ҳажми;

истеъмолчидаги ўлчаш қурилмасининг конструктив хатолигидан ҳосил бўлган ҳисобга олинмаган (йўқотилган) газ ҳажми;

газ таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаслик натижасида ҳосил бўлган ҳисобга олинмаган (йўқотилган) газ ҳажми;

* 10 — 26-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

микро ёриқлар ва бошқалар натижасида вужудга келган ҳисобга олинмаган (йўқотилган) газ ҳажми.

Мавҳум йўқотишлар улар аниқланганлиги юзасидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган далолатномалар асосида ҳисобдан чиқарилади.

Мавҳум йўқотишлар ҳажми асосланган ўтказилган мониторинг натижалари асосида аниқланади.

Газ тармоқларининг маълум бир алоҳида участкасидаги мавҳум йўқотишлар ҳажми мазкур Йўриқноманинг 27-иловасида* келтирилган ҳисоб-китоб усули орқали аниқланади.

26. Ишлатиш ва технологик эҳтиёжлар ва йўқотишларга газнинг сарфини таҳлил ва назорат қилиш учун сарфланган газнинг умумий ҳажми, истеъмолчилардан газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича, қабул қилинган газнинг умумий ҳажмига нисбатан, қўйидаги формула бўйича фоизлар кўринишида P_r , (%), тақдим этилади:

$$P_r = \frac{V_{с.н.} + V_{э.н.} + V_{пот.}}{V_{общ.}} \cdot 100, \quad 1 \text{ бунда:}$$

$V_{э.н.}$ — ишлатиш эҳтиёжларига сарфланган газнинг ҳажми, m^3 ;

$V_{т.н.}$ — технологик эҳтиёжларга сарфланган газнинг ҳажми, m^3 ;

$V_{пот.}$ — газнинг йўқотишлари, m^3 ;

$V_{общ.}$ — етказиб берувчилардан олинган ва икки томонлама қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилган газнинг умумий миқдори, m^3 .

27. Ҳисобот даври учун, ташкилот бўйича газни тақсимлаш ва етказиб беришдаги ишлатиш ва регламентга асосланган технологик эҳтиёжлар ва йўқотишларга сарфланган табиий газ ҳажмининг ($V_{э.н.}$, $V_{т.н.}$, $V_{пот.}$) ҳисоб-китоби (кейинги ўринларда — «Ҳисоб-китоб») ташкилотнинг газ тармоқлари, газ тақсимлаш пунктлари ва қурилмалардан фойдаланиш хизматининг етакчи муҳандиси томонидан амалга оширилади.

28. «Ҳисоб-китоб» Ташкилот бўйича ишлатиш ва регламентга асосланган технологик эҳтиёжлар ва йўқотишлар учун газ сарфларининг йиғиндиси, унинг сўнгги варағида ташкилотининг қўйидаги ходимлари томонидан имзоланади:

истеъмолчилар газ тармоқлари, қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва метрологик таъминот бригадаси муҳандиси;

газ тармоқлари, газ тақсимлаш пунктлари ва қурилмалардан фойдаланиш хизматининг етакчи муҳандиси.

29. «Ҳисоб-китоб» ташкилотнинг бош муҳандиси томонидан «ТАСДИҚ-ЛАЙМАН» грифи остида, муҳр билан тасдиқланган унинг шахсий имзоси билан, «Ҳисоб-китоб»нинг биринчи варағида тасдиқланади.

30. Имзоланган ва тасдиқланган ҳисоб-китоблар ташкилот газни ҳисобга олиш ва газ балансини ишлаб чиқиш хизматида тақдим этилади. Ҳисоб-

* 27-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

китобларга тегишли далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар ташкилотда сақланади.

6-боб. Якуний қоидалар

31. Мазкур Йўриқнома талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардир.

32. Мазкур Йўриқнома «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан келишилган.

«Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқаруви раиси

А. СУЛТАНОВ

2018 йил 18 май

«Ўзтрансгаз» АЖ
бошқаруви раиси

А. МУСТАФАЕВ

2018 йил 18 май

Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси директори

Б. ҚУДРАТХОДЖАЕВ

2018 йил 18 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БУЙРУҒИ

466 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 май,
122-сон

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил
14 майдаги 122-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш
тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида (бундан буён Институт деб

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

юритилади) ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Институтга номзодларни ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Бутлаш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг Институтга қабул ўринларини ажратиш тўғрисидаги буйруғига асосан ташкил этилади.

2. Институтга ўқишга кириш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрик ўтказиш тўғрисидаги низом талабларига жавоб бериши зарур.

3. Ҳарбий-профессионал танлашда қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

ҳужжатларни ўрганиш;

психофизиологик ўрганиш;

тиббий кўриқдан ўтказиш;

ёзма иш (диктант);

компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш;

якка тартибдаги якуний суҳбат.

2-боб. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказишни ташкил этиш

4. Институтга ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг буйруғига асосан Институт қабул комиссияси (бундан буён қабул комиссияси деб юритилади) тузилади.

Институт бошлиғи қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

5. Қабул комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли соҳавий хизматлари ва Институт ходимлари орасидан шакллантирилади.

Қабул комиссияси ишига келишув асосида вазирлик ва идоралар мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Қабул комиссиясининг ишини ташкиллаштириш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун қабул комиссияси раиси масъул ҳисобланади.

6. Қабул комиссияси қабул йилининг 1 февраль кунидан 31 август кунига қадар фаолият юритади.

3-боб. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш

7. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган режа-жадвал асосида 1 июндан 25 июнга қадар Институтда ўтказилади.

8. Ҳарбий профессионал-танлаш тадбирларини ўтказиш давомида номзодлар турар жой ва озиқ-овқат билан таъминланмайди.

9. Номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш қабул комиссиясининг тегишли аъзолари томонидан амалга оширилади. Бунда ҳар бир номзоднинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди рўйхатга олинади ҳамда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

4-боб. Психофизиологик ўрганиш

10. Номзодларнинг психофизиологик ҳолатини ўрганиш қабул комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Психофизиологик ўрганиш методикаси асосида ўтказилади.

11. Психофизиологик ўрганиш автоматлаштирилган психофизиологик комплекслар (бундан буён матнда махсус комплекс деб юритилади) ёрдамида амалга оширилади.

12. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг ҳиссий (соматик), психоэмоционал ҳолати яхши бўлгандагина ўтказилиши лозим.

13. Психофизиологик ўрганиш бошланишидан олдин ўзини ёмон ҳис қилаётган ёки соғлиғидан шикоят қилаётган номзодлар мазкур ўрганишга қўйилмайди. Бунда, қабул комиссияси аъзоси томонидан мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузилади.

Мазкур бандда назарда тутилган ҳолда психофизиологик ўрганишга киритилмаган номзодга кейинги гуруҳлар таркибида психофизиологик ўрганишдан ўтиш учун қабул комиссияси томонидан рухсат берилади.

5-боб. Тиббий кўрикдан ўтказиш

14. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг буйруғи билан тасдиқланадиган, тиббиёт мутахассисларидан махсус шакллантириладиган ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан ўтказилади.

15. Тиббий кўрик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

16. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича соғлиғининг ҳолатига кўра номзоднинг Институтда ўқишга яроқлилиги даражаси тўғрисида хулоса чиқарилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар ҳарбий-профессионал танлашнинг кейинги тадбирларига кўйилмайди.

6-боб. Ёзма иш ўтказиш

17. Ёзма иш диктант ёзиш йўли билан номзоднинг орфографик ва пунктуацион саводхонлигини баҳолаш мақсадида амалга оширилади.

18. Диктантнинг мавзулари ва матнлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

19. Диктантнинг тасдиқланган мавзу ва матнлари қабул комиссиясининг масъул котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

20. Диктант ўтказилаётган аудиторияга китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

21. Диктант мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Диктант ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида ўтказилади.

22. Аудиторияда номзодларга диктант матнини ўқиб эшиттирган шахс томонидан шу аудиториядаги номзодларнинг ёзган диктантларини текширишга йўл кўйилмайди.

23. Номзодларнинг ёзган диктантларини текширган шахс мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Диктант ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида диктантларни баҳолайди ва ҳар бир махсус бланкка ўзининг имзосини қўяди.

24. Номзодларга диктантни қайта топширишга рухсат берилмайди.

7-боб. Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш

25. Номзоднинг компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини (бундан буён КТ ва АКТ деб юритилади) эгаллаб олганлик даражасини аниқлаш компьютер ёрдамида тест шаклида мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида ўтказилади.

26. Номзодларнинг КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текширишдан олдин уларга текшириш ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

27. Тест саволлари 1 июнь кунига қадар қабул комиссияси томонидан умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими фан дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Тест саволлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

28. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари қабул комиссияси масъул котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

29. Номзоднинг тест саволларига берган жавоблари мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

8-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказиш

30. Якка тартибдаги якуний суҳбат номзоднинг Институтга ўқишга кириши сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятлари ва бошқа муҳим профессионал фазилатларини аниқлаш мақсадида ягона методика бўйича психофизиологик ўрганиш, диктант натижалари, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари асосида ўтказилади.

31. Номзодларга ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари бошланишидан олдин қабул комиссияси томонидан якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш бўйича тушунчалар, суҳбат давомида берилиши мумкин бўлган саволларнинг умумий йўналишлари ва бошқа зарур маълумотлар берилади.

32. Якка тартибдаги якуний суҳбат мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида ўтказилади.

33. Якка тартибдаги якуний суҳбат оғзаки шаклда қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодга бериладиган саволларга жавоб бериш орқали амалга оширилади.

34. Номзодларга бериладиган саволлар номзоднинг ўқишга кириш сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятини, дунёқараши ва бошқа муҳим профессионал фазилатларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Саволлар умумий ўрта таълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

35. Якка тартибдаги якуний суҳбат давомида номзодларга бериладиган саволлар рўйхати қабул комиссияси томонидан шакллантирилиб, 1 июнь кунига қадар қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

36. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари қабул комиссияси масъул котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

37. Якка тартибдаги якуний суҳбат қабул комиссияси томонидан қабул йилининг 25 июнига қадар коллегиял принцип бўйича ўтказилади.

38. Номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтиш учун аудиторияга 1 нафардан киритилади.

39. Номзодларнинг саволларга берган жавоблари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

40. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари шу куннинг ўзида номзодлар эътиборига етказилади.

41. Номзодларга якка тартибдаги якуний суҳбатни қайта топширишга рухсат берилмайди.

9-боб. Ҳарбий-профессional танлаш тадбирлари натижаларини аниқлаш

42. Номзодларнинг психофизиологик ўрганиш, ёзма иш, компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича тўпланган баллари қабул комиссияси масъул котиби томонидан мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳарбий-профессional танлаш тадбирлари натижалари бўйича қайдномага киритилади.

43. Номзодларнинг ҳарбий-профессional танлашнинг барча тадбирлари натижалари бўйича тўплаган баллари умумлаштирилиб, уларнинг ўртача арифметик баҳоси аниқланади.

44. Ўртача арифметик баҳоси «3» ва ундан юқори бўлган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйилади.

45. Номзодларнинг аниқланган ўртача арифметик баҳоси асосида қабул комиссияси томонидан номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

46. Қабул комиссиясининг номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисидаги қарори мазкур Низомнинг 5-иловасидаги Ҳарбий-профессional танлаш тадбирлари натижалари бўйича қайдномага киритилади.

Ҳарбий-профессional танлаш тадбирлари натижалари бўйича қайднома қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

47. Ҳарбий-профессional танлаш натижасидан норози бўлган номзодлар Институт бошлиғининг буйруғи билан тузиладиган апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

48. Апелляция комиссияси таркибига қабул комиссия фаолиятида иштирок этмаган Институт ходимлари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

49. Номзод ҳарбий-профессional танлаш натижасидан норози бўлган тақдирда, ҳарбий-профессional танлаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 3 кун давомида апелляция бериши мумкин. Номзод томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 3 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

50. Номзоднинг апелляциясини кўриб чиқишда номзод иштирок этиш ҳуқуқига эга.

51. Апелляция комиссияси номзоднинг апелляциясини кўриб чиқиб,

унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда номзоднинг кейинги босқичга қўйилиши ёки қўйилмаслиги кўрсатилади.

Апелляция комиссияси тегишли қарорнинг қабул комиссиясига ва номзодга етказилишини таъминлайди.

10-боб. Яқуний қоидалар

52. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида
ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Психофизиологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг психофизиологик хислатлари ва индивидуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

2. Номзодларни психофизиологик ўрганиш автоматлаштирилган психофизиологик комплекслар (бундан буён матнда махсус комплекс деб юритилади) ёрдамида ўтказилишининг асосий тамойили — номзоднинг психофизиологик хусусияти бўйича ҳулоса қилишда инсон омилидан ҳоли бўлиш ва субъективликдан сақланиш ҳисобланади.

3. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган кунда номзод махсус жиҳозланган хонага киритилишидан олдин унга мазкур Методикада назарда тутилган психофизиологик ўрганиш ўтказиш тартиби, махсус комплекснинг техник хусусиятлари, хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзини қандай тутиши лозимлиги тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

4. Психофизиологик ўрганиш ҳар бир номзод учун алоҳида махсус жиҳозланган хонада ўтказилади.

Ушбу хона табиий ёки сунъий ҳолда ёритилган ҳамда шовқиндан ҳимояланган бўлиши лозим.

5. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонага номзодлар бир нафардан киритилади.

Номзодлар психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

6. Номзоднинг қўлларига махсус комплекснинг электродлари уланади. Номзодга мазкур электродлар орқали 10 дақиқагача бўлган вақт давомида кичик қувватли электр импульслар узатилади.

7. Психофизиологик ўрганиш давомида номзод билан мулоқотга киришишга йўл қўйилмайди.

8. Психофизиологик ўрганиш давомида номзод узлуксиз равишда кузатиб турилади.

9. Психофизиологик ўрганиш якунида махсус комплекс номзоднинг психофизиологик хусусиятини «5» баллик тизимда аниқлайди.

10. Психофизиологик ўрганишда узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади.

11. Психофизиологик ўрганиш натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

12. Қайднома психофизиологик ўрганишда иштирок этган қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Психофизиологик ўрганиш методикасига
ИЛОВА

**Номзодларнинг психофизиологик ўрганиш
натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «___» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзодга қўйилган балл
1.		
2.		
3.		
...		

Қабул комиссияси аъзолари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтида ҳарбий-профессионал танлаш
тадбирларини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Диктант ўтказиш методикаси ва баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1-боб. Диктант ўтказиш методикаси

1. Диктант бошланишидан олдин қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда махсус бланкалар тарқатилади.

2. Номзод махсус бланканинг тегишли қисмига ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзади.

3. Номзодларга ўқиб эшиттириладиган диктант матнининг ҳажми 170 — 200 та сўздан иборат бўлади.

4. Қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант матни бир маротаба тушунарли ва тўлиқ ўқиб эшиттирилади. Диктант матни тўлиқ ўқиб эшиттирилгандан кейин номзодлар диктантни ёзишга тайёрланади.

5. Диктант ёзиш бошланганда қабул комиссияси аъзоси диктант матнини секин бирма-бир ўқиб беради.

Бунда 1 та гап ўқиб эшиттирилади ва номзод ўқиб эшиттирилган гапни ёзишга киришади.

6. Ўқиб эшиттирилган гапни номзодлар ёзиб бўлганидан кейин ушбу гап қабул комиссияси аъзоси томонидан яна бир маротаба ўқиб берилади.

7. Номзод диктантни ёзиб тугатгандан кейин унга берилган махсус бланкани қабул комиссияси аъзосига топшириб аудиторияни тарк этади.

8. Қабул комиссияси аъзоси номзодлардан қабул қилиб олинган махсус бланкаларни текшириш учун топширади.

9. Мутахассислар номзодларнинг ёзган диктантларини 1 кун ичида текширади ҳамда натижаларни номзодларга ўқиб эшиттириш орқали эълон қилади.

2-боб. Диктантни баҳолаш мезонлари

10. Номзодлар томонидан ёзилган диктант «5» баллик тизимда баҳоланади.

Диктант:

1 тагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «5» балл билан баҳоланади;

2 тадан 4 тагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «4» балл билан баҳоланади;

5 тадан 10 тагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «3» балл билан баҳоланади;

11 та ва ундан ортиқ орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «2» балл билан баҳоланади.

Номзод махсус бланкани диктант ёзилмаган бўш ҳолда топширганда у «0» балл билан баҳоланади.

11. Қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда диктантдаги хатоликлар 1 та хато деб ҳисобланади:

5 та ўринда «х» ёки «ў» ҳарфлари ўрнида тегишлича «х» ёки «у» ҳарфлари ёзилган бўлса;

кириш сўзларнинг (масалан, дарвоқе, дарҳақиқат) ёзилишида 6 тагача пунктуацион хатоликка йўл қўйилган бўлса;

қаратқич белгиси 3 тагача сўзда нотўғри қўлланилган бўлса.

12. Қўйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар (масалан, «тушунмоқ» сўзи барча ўринларда тўғри ёзилган бўлса);

такрорий хатолар (масалан, «кутулмоқ» сўзи 5 тагача ўринда «кутилмоқ» тарзида қўлланилган бўлса);

сўз кўчиришдаги хатолар (масалан, воқе-а ёки октя-брь);

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар (масалан, Чўлпон ота — Чўпон ота, Юнусобод — Юнус-обод).

13. Диктантдаги тузатишлар миқдори 5 тадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

14. Диктант натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

15. Қайднома диктантни ўтказишда иштирок этган қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Диктант ўтказиш методикаси ва баҳолаш
мезонларига
ИЛОВА

**Диктант ўтказиш натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «___» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзоднинг диктантга қўйилган балл
1.		
2.		
3.		
...		

Қабул комиссияси аъзолари:

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтида ҳарбий-профессионал танлаш
тадбирларини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация
технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш
методикаси ва баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

**1-боб. КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини
текшириш**

1. Номзодларнинг КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текшириш компьютер дастурига киритилган тест саволларига жавобларни белгилаш орқали амалга оширилади.

2. Номзодлар махсус компьютерлар билан жиҳозланган хонага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

3. Номзодлар махсус компьютерларга бир нафардан ўтказилади.
4. Номзод махсус дастурда бериладиган рўйхатдан ўзи ҳақидаги маълумотларни танлайди.
5. Номзод компьютер дастурларида бериладиган саволларга жавобларни белгилаш орқали тест синовларидан ўтади.
6. Тест синовлари ўтказилаётган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.
7. Номзодга 50 та тест саволи берилади.
Тест саволларини ечиш учун 1,5 соат (90 дақиқа) вақт берилади.
8. Ҳар бир тест саволида 4 тадан жавоб варианты берилади. Номзодлар тест саволларини ечишда фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим.
Жавоблар тўғри белгиланиши учун номзод шахсан жавобгардир. Жавобларни нотўғри белгиллаган номзодларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.
9. Тест синовларини топшириш вақтида номзоднинг хонадан чиқиши тақиқланади, номзоднинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар бундан мустасно.
10. Номзодга тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.
11. Тест синовларини ўтказиш вақтида тест синовлари ўтказилаётган хонада номзодлар, қабул комиссияси аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.
12. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин бажарган ёки тест синовларини бажариш учун ажратилган вақт тугагач, шу вақтнинг ўзида номзодга унинг тест синовлари натижалари компьютер экранида эълон қилинади.

2-боб. КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини баҳолаш мезонлари

13. Номзоднинг тест саволларига берган тўғри жавобларига автоматик равишда компьютер дастури орқали ҳар бир тўғри жавоб учун «1» балл берилади.
14. Номзоднинг компьютер экранида эълон қилинган тест синовлари натижалари қуйидагича «5» баллик тизимда баҳоланади:
 - 41 — 50 балл берилган бўлса — «5» балл билан баҳоланади;
 - 31 — 40 балл берилган бўлса — «4» балл билан баҳоланади;
 - 21 — 30 балл берилган бўлса — «3» балл билан баҳоланади;
 - 11 — 20 балл берилган бўлса — «2» балл билан баҳоланади;
 - 1 — 10 балл берилган бўлса — «1» балл билан баҳоланади.Номзоднинг компьютер экранида эълон қилинган тест синовлари натижаси «0» бўлган ҳамда тест синовларида узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади.
15. Тест синовларининг натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.
16. Қайднома тест синовларини ўтказишда иштирок этган қабул комис-

сиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш методикасига
ИЛОВА

Номзодларнинг компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари бўйича

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Тўғри жавоблар сони	Тўпланган балл
1.			
2.			
3.			
...			

Қабул комиссияси аъзолари:

_____	_____
<i>(Ф.И.О.)</i>	<i>(имзо)</i>
_____	_____
<i>(Ф.И.О.)</i>	<i>(имзо)</i>
_____	_____
<i>(Ф.И.О.)</i>	<i>(имзо)</i>

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтида ҳарбий-профессионал танлаш
тадбирларини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

1-боб. Якуний суҳбат ўтказиш

1. Номзод якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиладиган хонага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

2. Қабул комиссияси аъзолари якка тартибдаги якуний суҳбатга кирган ҳар бир номзодга 3 та савол беради.

Номзодга саволлар навбат билан бирма-бир берилади (номзодга 1 та савол берилади ва номзод у саволга жавоб берса ёки жавоб бера олмаса унга навбатдаги савол берилади).

3. Ҳар бир номзодга саволларга жавоб бериш учун 10 дақиқагача вақт берилади.

4. Номзод саволларга белгиланган муддатдан олдин жавоб берса у хонани тарк этади.

2-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбатни баҳолаш мезонлари

5. Номзодлар саволларга берган жавобларига қараб қуйидаги мезонлар асосида «5» баллик тизимда баҳоланади:

номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — «5» балл;

номзод мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «4» балл;

номзод моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «3» балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — «2» балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — «0» балл қўйилади.

6. Номзоднинг саволларга берган жавобига қабул комиссиясининг ҳар бир аъзоси номзодга ўз баҳосини қўяди. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик бали аниқланади.

7. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

8. Қайднома якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказишда иштирок этган қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Якка тартибдаги якуний суҳбат
ўтказиш методикасига
ИЛОВА

**Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «____» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзодга қўйилган балл
1.		
2.		
3.		
...		

Қабул комиссияси аъзолари:

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

466-модда

Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари натижалари бўйича ҚАЙДНОМА

20__ йил «__» _____

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Психофизиологик ўрганиш натижаси бўйича тўпланган балл	Диктант натижаси бўйича тўпланган балл	Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижаси бўйича тўпланган балл	Якка тартибдаги яқуний суҳбат натижаси бўйича тўпланган балл	Ўртача арифметик балл	Тест синовларини топширишга қўйиш (қўймаслик) тўғрисидаги қарор
1.							
2.							
3.							
...							

Қабул комиссияси аъзолари:

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

— 100 —

22 (834) -сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**467** «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услугиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2745-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услугиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2745, 2015 йил 25 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 51-сон, 644-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 май,
307-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги
307-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг
коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини
тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг» деган сўзлар «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

а) номидаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг» деган сўзлар «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазмунда ҳуқуқни қўллаш жараёнида коррупцион кўринишларга олиб келиши мумкин бўлган коррупциявий омилларни аниқлаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг (бундан буён матнда лойиҳалар деб юритилади), шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг тартибини белгилайди.»;

в) 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**юридик хизмат** — давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим;»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши «, туман (шаҳар) адлия бўлимлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Коррупцияга қарши экспертиза лойиҳаларда коррупциявий омилларнинг

вужудга келишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ўтказилади.»;

д) 6-банд қўйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг эркинлигини чеклашга олиб келиши мумкин бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятининг сабабсиз ва асоссиз тартибга солинишида ифодаланиладиган муносабатларнинг ҳаддан ташқари ортиқча ҳуқуқий тартибга солинганлиги.»;

е) қўйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Лойиҳа билан тартибга солинувчи ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда адлия органлари томонидан лойиҳаларнинг бошқа нормалари ҳам коррупциявий омиллар сифатида баҳоланиши мумкин.»;

ж) 6-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш жараёнига мустақил экспертлар ва тор доира йўналишларидаги мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин.»;

з) 15-банд «тайёрланадиган» деган сўздан кейин «лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

и) 16-банддаги «Хулосада» деган сўз «Лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосада» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 17-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Ўтказилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича эътирозлар мажбурий тусга эга ва лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун такроран киритилганда бартараф қилиниши шарт.»;

л) 19-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш жараёни ёки натижаси бўйича ўтказилади.»;

м) қўйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«19¹. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

адлия органлари, давлат органлари ва ташкилотларининг иш режалари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

жамоат назорати субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари;

оммавий ахборот воситаларидан келиб тушган нашрлар ва бошқа материалларни ўрганиш натижалари.»;

н) 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 12-банди 5-кичик бандига мувофиқ давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУФИ**468** Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3020*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 июнь,
308-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги
308-мх-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши
режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тегишли адлия органларида рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, уларнинг алоҳида бўлинмалари, бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, диний ташкилотларнинг (бундан буён матнда нодавлат нотижорат ташкилотлари деб юритилади) ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари (бундан буён матнда тадбир деб юритилади) ҳақида хабардор қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан конференция, семинар, тренинг, йиғилиш, акция, давра суҳбати, учрашув, симпозиум ва бошқа шаклларда шахсларни Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида тўпланишини ташкил қилиш нодавлат нотижорат ташкилоти тадбири ҳисобланади.

2. Мазкур Низом талаблари сиёсий партиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларга, шунингдек диний ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ибодат, диний расм-русумлар ва маросим тарзидаги тадбирларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган тадбирлар ўтказилишини режалаштириш ва ўтказиш тақиқланади.

4. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тегишлилиги бўйича уни давлат

рўйхатидан ўтказган ёки ҳисобга қўйган адлия органини тадбир ҳақида олдиндан хабардор қилиши лозим.

5. Тегишли адлия органларида давлат рўйхатидан ўтган ёки ҳисобга қўйилган икки ёки ундан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорликда тадбир ўтказишни режалаштирганда, мазкур тадбир ҳақида улардан бирининг тегишли адлия органини хабардор қилиши етарли ҳисобланади.

2-боб. Тадбир ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш

6. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тегишли адлия органини тадбир ҳақида ёзма ёки электрон шаклда қўйидаги муддатларда хабардор қилиши керак:

тадбир Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг иштирокисиз ўтказилиши режалаштирилганда — тадбир ўтказилишидан камида 10 кун олдин;

тадбир Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари иштирокида ёки хорижий давлат ҳудудида ўтказилиши режалаштирилганда — тадбир ўтказилишидан камида 20 кун олдин.

7. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбир ҳақида тегишли адлия органини хабардор қилиши мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказилиши режалаштирилаётган тадбир ҳақидаги хабарномани (бундан буён матнда Хабарнома деб юритилади) расмийлаштирган ҳолда тегишли адлия органига юбориш орқали амалга оширилади.

8. Хабарнома нодавлат нотижорат ташкилотига раҳбарлик қилаётган шахс томонидан имзоланади. Хабарномани имзолаган шахс ундаги маълумотларнинг тўғрилиги, шунингдек Хабарноманинг ўз вақтида юборилиши учун масъул ҳисобланади.

9. Нодавлат нотижорат ташкилоти қўйидаги тадбирлар ўтказилишини режалаштирган ҳолларда тадбир ўтказилишидан камида 3 иш куни олдин тегишли адлия органига Хабарноманинг 1 — 8-бандларида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилган хат юборди:

нодавлат нотижорат ташкилотининг уставига ёки низомига мувофиқ унинг раҳбар органларининг йиғилишларини ўтказиш режалаштирилганда (нодавлат нотижорат ташкилотининг бош ташкилоти, шу жумладан бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, шунингдек бундай ваколатхоналарнинг бош ташкилоти ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситалари вакилларида ташқари бошқа шахслар иштирок этмаган ҳолларда);

нодавлат нотижорат ташкилотининг тегишли лицензия ёки рухсатномага эга бўлган ҳолда ушбу фаолият турини амалга ошириш юзасидан тадбирларни ўтказиш режалаштирилганда;

нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларида, шунингдек давлат дастурлари ва миллий режаларда ўтказилиши назарда тутилган тадбирларни ўтказиш режалаштирилганда;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузурида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан ажратилган давлат гранти ва давлат ижтимоий буюртмаси доирасида тадбирларни ўтказиш режалаштирилганда;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тасдиқланган ёки улар билан келишилган режаларга мувофиқ ўтказиладиган оммавий жисмоний-тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш режалаштирилганда;

нодавлат нотижорат ташкилотининг Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари талабларига мувофиқ тегишли рухсатномага асосан тадбирларни ўтказиш режалаштирилганда.

10. Адлия органига юборилган Хабарномада кўрсатилган маълумотлар уни юборган нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўзгартирилиши мумкин. Бунда нодавлат нотижорат ташкилоти тадбир ўтказилишидан камида 3 иш куни олдин Хабарноманинг ўзгарган бандларини (кичик бандларини) қайта тўлдиради ва тегишли адлия органига юборади.

11. Нодавлат нотижорат ташкилоти тадбирни ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилганда тегишли адлия органини қўшимча равишда хабардор қилиши лозим.

12. Нодавлат нотижорат ташкилоти тадбирни адлия органига тақдим қилган Хабарномада кўрсатилган маълумотларга мувофиқ ташкил этади ва ўтказди.

3-боб. Хабарномани кўриб чиқиш

13. Адлия органи Хабарномани таҳлил қилиш орқали улардаги маълумотларнинг ишончлилигини, шунингдек тадбирларнинг қонун ҳужжатларига ва мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставида ёки низомида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқлигини ўрганади.

14. Адлия органлари Хабарномани ўрганиш жараёнида, бироқ тадбир ўтказилишига 3 кун қолгунга қадар бўлган муддатда Хабарномада кўрсатилган маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраб олиши мумкин.

15. Адлия органлари Хабарноманинг ўрганиш натижалари бўйича но-

давлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбирларни ўтказилишини тақиқлаш юзасидан қарор қабул қилиши мумкин, мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган тадбирлар бундан мустасно.

16. Тадбирни ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги қарор тегишли адлия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланадиган хат шаклида расмийлаштирилади.

Адлия органи хатни тадбир ўтказилишидан камида 2 кун олдин тегишли нодавлат нотижорат ташкилотига юборади ва бу ҳақда уни огоҳлантиради.

17. Қўйидаги ҳолатлардан бири ёки бир нечтасининг мавжуд бўлиши адлия органи томонидан тадбирни ўтказишни тақиқлаш учун асос бўлади:

Хабарнома мазкур Низом талабларига риоя этмаган ҳолда тақдим этилганда;

Хабарномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланганда;
тадбирни ўтказиш қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлганда.

18. Адлия органи томонидан тадбирни ўтказиш мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда тақиқланганда, нодавлат нотижорат ташкилоти адлия органининг хатида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, Хабарномани қайтадан белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда такроран адлия органига тақдим этиши мумкин.

19. Нодавлат нотижорат ташкилоти адлия органининг тадбирни ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги қароридан норози бўлганда судга шикоят қилиши мумкин.

4-боб. Яқуний қоидалар

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

21. Мазкур Низом Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилган.

*Ўзбекистон нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси раиси*

И. НАСРИЕВ

2018 йил 31 май

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг
ўтказилиши режалаштирилаётган
тадбирлари ҳақида хабардор қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказилиши
режалаштирилаётган тадбир ҳақида
ХАБАРНОМА**

Т/р	Ўтказилиши режалаштирилаётган тадбир ҳақидаги маълумотлар	
1.	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг тўлиқ номи	
2.	Тадбирни ўтказишдан мақсад	
3.	Тадбирнинг шакли ва мавзуси (кун тартиби)	
4.	Тадбирда иштирок этиши режалаштирилган мақсадли гуруҳлар (вояга етмаганлар, талабалар, аёллар ва ҳ. к.)	
5.	Тадбирни ўтказиш манзили	а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
		б) туман, шаҳар
		в) маҳалла, мавзе, кўча
		г) уй
6.	Тадбирда иштирок этиши режалаштирилган шахслар сони	
7.	Тадбирни ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат (мазкур банд Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандида назарда тутилган тадбирларни ўтказиш режалаштирилганда тўлдирилади)	
8.	Тадбир ўтказилиши режалаштирилаётган вақт (йил, ой, кун, соат)	
9.	Тадбирни молиялаштириш манбалари (агар мавжуд бўлса)	
10.	Тадбирни ўтказишда ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг номи (агар мавжуд бўлса)	
11.	Тадбирда фойдаланиши мўлжалланган тарқатма, босма, аудио-визуал ва бошқа материаллар	

Т/р	Ўтказилиши режалаштирилаётган тадбир ҳақидаги маълумотлар													
	нинг нусхалари <i>(агар мавжуд бўлса илова қилинади)</i>													
12.	Тадбирда иштирок этувчи чет эл фуқаролари ҳақидаги маълумот <i>(Адлия вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтган чет эл фуқароси бўйича ушбу банднинг «б» — «д» кичик бандлари тўлдирилмайди)</i>	<table border="1"> <tr> <td>а) Ф.И.О.</td> <td></td> </tr> <tr> <td>б) фуқаролиги</td> <td></td> </tr> <tr> <td>в) яшаш жойи</td> <td></td> </tr> <tr> <td>г) туғилган санаси</td> <td></td> </tr> <tr> <td>д) иш жойи ва лавозими</td> <td></td> </tr> <tr> <td>е) аккредитация карточкаси рақами</td> <td></td> </tr> </table>	а) Ф.И.О.		б) фуқаролиги		в) яшаш жойи		г) туғилган санаси		д) иш жойи ва лавозими		е) аккредитация карточкаси рақами	
а) Ф.И.О.														
б) фуқаролиги														
в) яшаш жойи														
г) туғилган санаси														
д) иш жойи ва лавозими														
е) аккредитация карточкаси рақами														

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О. ва телефон рақами)

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги
308-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 4 июндаги 177-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2679, 2015 йил 4 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 297-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 27 июлдаги 193-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2679-1, 2016 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 30-сон, 369-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

469 Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3021

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Давлат хизматлари ягона реестри иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 3, 164-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2976, 2018 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 9-сон, 163-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 июнь,
5-сон

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

А. АХМЕДҲАДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 июнь,
08/23-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 июнда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 26 майдан 1 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 81, 12, 2012-38-сон «Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2451-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 94, 2018-46-сон «Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2327-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги 95, 2018-36-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3017.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 23 майдаги 2018/16-03, 17, 98, 01-02/12-40-сон «Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1634-1.

6. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 21 майдаги 6-сон «Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1775-1.

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 17 майдаги 137-сон «Мухрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1077-4.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 21 майдаги 5-сон «Табиий газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3018.

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 14 майдаги 122-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 307-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2745-1.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 308-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3020.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги 5, 08/23-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3021.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2327, 2012 йил 16 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 майдаги 300-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг «Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона худудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1634, 2006 йил 31 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 31 майдаги 302-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг «Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1775, 2008 йил 29 февраль)

Адлия вазирининг 2018 йил 31 майдаги 303-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Мухрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1077, 2001 йил 27 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1077-1, 2004 йил 15 январь), (рўйхат рақами 1077-2, 2013 йил 18 январь), (рўйхат рақами 1077-3, 2017 йил 1 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 304-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2679, 2015 йил 4 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2679-1, 2016 йил 27 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 308-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2976, 2018 йил 28 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 309-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.